25 МАЙ 1991

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг бош нашри

РЎЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● №85 (20. 952) 1991 йил 4 май, шанба ● Рўзнома йилига 256 марта чиқади. ● Баҳоси 8 тийин.

ОРОЛАНИБ КЕЛДИ МАЙ

Тошкентдаги В. И. Ленин номли майдондан репортаж

● Тошкентнинг В. И. Ленин номи билан аталган бош майдони Биринчи Май куни байрам либосига бурканган эди. Бу гал гарчи минбарлар олдидан одатдаги колонналар саф-саф бўлиб ўтмасада, бу тўпланган одамларнинг байрам кайфиятига ўз таъсирини ўтказа олмади — ҳамманинг юзида табассум, ҳамманинг қўлида, қучоғида гул... Уруш ва меҳнат фахрийлари, ишлаб чиқариш илғорлари, жамоаларда ҳурмат қозонган кишилар, Ўзбекистон пойтахтининг меҳмонлари марказий ва меҳмонлар учун аталган минбарлардан жой олдилар.

Байрам тантаналари бошланиши олдидан Ўзбекистон ССР Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби И. А. Каримов журналистларнинг саволларига жавоб қайтарди. У, жумла-

(Давоми иккинчи бетда).

● Тошкентдаги байрам сайлида.

(ЎзТАГ сурати).

Марказий Комитет ижтимоий тараққиёт муаммоларини ўртага қўйишдаги ташаббускорлик ва дадилликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб... журналистларнинг масъулиятини ошириб бораверади, бир томонлама ғаразли ёндашувларга қарши, сохтачиликка қарши, ахлоқ-одобни оёқости қилишга уринишларга, ҳақиқатни фақат мен айтаман, деб даъво қилишларга қарши курашаверади.

(Ўзбекистон Компартияси XXII съезди материалларидан).

Эртага — Матбуот куни

ҚАЛАМ МЕНИНГ КЕТМОНИМ

• ДИЛДАГИ ГАПЛАР •

ДУНЕДА турли хил касб-кор бор. Назаримда, мўътабар касблардан бири деҳқончиликдир. Деҳқоннинг меҳнат шарофатидан бунёд бўлган зироатдан жумлан жаҳон аҳли, ҳатто жонивору қурт-қумурсқалар ҳам нафланадилар. Ҳоксор деҳқон ўз меҳнатини, шу меҳнати туфайли яратилган ноз-неъматини ҳеч қачон писанда қилмайди. Ў билак кучи, бел қувватини сарфлаб, қадрдон кетмони воситасида ундирган ҳосилидан шукроналик изҳор этиб яшайди. Кетмон унинг бир умрлик ҳамкори. Шунинг учун уни қўлида маҳкам тутади, ҳамиша унга суянади. Уни кун бўйи ишлатиб, кечқурун ишни тугатганида (мен буни кўп бор кузатганман) кетмонини тоза сувда ювиб-тозалаб, унинг пешига сув олиб, ҳузур қилиб ичади. Сўнг эса асраб-авайлаб айвон тўсинига илиб қўяди.

Азиз иш қуролига бу қадар меҳр-мурувватни кўрганда деҳқоннинг буюк ҳимматига тасаннолар айтасан!

Яна шундай муқаддас касб қаторига қаламни, қаламкашликни қўшгим келади. Халқимиз қаламни тўғрилик рамзи бўлган «алиф»га қиёслайди. Қалам ўз шакли-шамойили билан тик ва тўғрилиги учун эларо ростгўйлик нафдасидир. Шу жиҳатдан уни тутган қалам аҳлига халқнинг эътиқоди баланддир.

Бинобарин, ҳалоллик, адолатпарварлик, ҳақиқатгўйлик пешаси бўлмиш қаламни олам аҳлига ризқ-рўз етказиб берувчи деҳқон кетмонига муқояса қилишда ҳақлиман деб ўйлайман.

Кўп сонли ҳамкасбларим қаторида, мана қирқ йилдирки, ризқ-рўзимни шу қалам орқали топиб, бола-чақа боқиб келяпман. Бу узоқ давр ичида кўп яхшиларни кўрдим, уларга эргашдим, Пок қаламни ҳаромга, ёлғонга, фитнага, ғаразга юргизган сохтакорларга йўлиққан кезларимда имкон борича улардан қочдим. Гоҳо бунинг иложи бўлди, гоҳо иложи бўлмади.

Шу газетачилик фаолиятим даврида тақдир мени кўп покдомон устозларга рўбарў қилганлигидан ғурурланаман. Даставвал, «Ёш ленинчи» қозонида қайнадим. «Совет Ўзбекистони»н супрасида йўғрилдим, «Ёшлик» радиостанциясида ёшлар билан дардлашдим, «Гулистон» журналида ўзлигимни танидим. Бу даргоҳларда ўз касбининг фидойи саркотиблари Султон Акбарий, Аҳмад Исмонловдан касбга садоқатни, самарқандлик Латиф Эргашев, хоразмлик Собир Иброҳимов, тошкентлик Ориф Юнус, Илҳом Фозил, наманганлик Турғун Пўлат каби ҳамкасбларидан ҳоксорлик ва ҳалолликни ўргандим. «Совет Ўзбекистони» рўзномаси ва «Гулистон» ойномасида бош муҳаррир бўлган Иброҳим Раҳимнинг олийҳимматлигидан, мурувватидан таълим олдим. Устоз Иброҳим Раҳим ўз шогирдлари яхши иш қилганларида у қилди деб, айб иш қилиб қўйганларида мен қилдим деб ўз полопонларини сордан асрагувчи меҳрибон она қуш янглиғ ажойиб мураббий.

Бу устозларни қаламни муқаддас билган имонли ижод соҳиблари сифатида танийман. Қаламкашлик ҳаётим давомида ана шу устозлар ва ҳамкасбларим йўлидан боришга, иложи борича ростгўй қалам тебратишга ҳаракат қилиб яшамоқдаман.

Бироқ гоҳо афсусланиб қоламан, нега журналист моддий жиҳатдан бойимайди? Ўйлаб-ўйлаб жавобини топгандай бўламан. Чунки, ёзганларида, ҳарқалай баъзан ёлғон муболаға аралашади-да. Масалан, далаларда кетмон чопаётган қизлар гўё доим қўшиқ айтиб «ўз бахтини қуйлашади», дастгоҳ ёнидаги ишчи фақат «фидокорона меҳнат қилади», чўлда жазирама офтобда, аёзли қишда қўй боқаётган чўпон бирдай «най чалади» ва ҳоказо.

Қанийди, шугина бўлса! Айримларимиз порахўр, аҳлоқсиз раҳбар кимсаларнинг қилмишларини била туриб кўкларга кўтариб мақтадик. Машинада фалонча минг тонна пахта «терган» механизаторларни таъриф-лаб ёзганлар ичида мен ҳам бор эдим. Аммо ўзимни оқлаш учун эмас, кўрганларимни холисанилло айтгим келади. Ўша кезлар марҳаматлик машҳур механик-ҳайдовчи Обиджон Акбаров, Ҳафиз Полвоновларнинг ишларини кўп кузатганман. Аввало, хўжаликдаги энг серҳосил бир текис очилган пахтазорларни атайин уларга айириб қўйишарди, бошқаларга тердиришмасди. Бунинг устига механизаторнинг ҳар бирига иккитадан терим машинаси бириктириб қўйиларди. Биттасининг бункери пахтага тўлган ҳамон иккинчисини пайкалга олиб кирарди. Агрегат шпинделлари кирласа, уни алоҳида бир киши ювиб, тозалаб бериб турарди. Механизатор тушлигини тракторидан тушмасдан ерди. Агрегати мавсум охиригача бузилишига йўл қўйилмасди. Албатта, бундай шароитда пахтани кўп теришн табиий. Аслида тажрибали, маҳоратли механизатор терган пахта яхши шароитларда 700—800 тоннага борши мумкин.

Лекин ҳар нима бўлганда ҳам қалам ва қаламкашнинг гоҳо ёлғон ёзган дамларидан кўз юмиб бўлмайди.

Бу — ўксик бир гап. Аслида имонли қаламкаш ҳамиша масъуллик билан қалам тебратишга интилади. Мен ҳам қаламимни тўғрилик йўлида ишлатишга ҳаракат қилдим. Меҳнатимни эл-юрт тан олди, тақдирлади ҳам. Бунга албатта, шукроналик келтираман. Лекин афсуски, яқин яқингача дилимиздагини ошкора ифода қилишимизга йўл қўйилмасди.

(Давоми учинчи бетда).

● Эртага, 5 майда нишонланадиган оммавий ахборот воситалари ходимларининг касб байрами — Матбуот кунига бағишланиб, оммавий байрам сайиллари пойтахтимиздаги К. Маркс ва С. М. Киров номли кўчаларда ўтказилади.

Ўзбекистон Президенти Ислом КАРИМОВ:

«БИЗ ИТТИФОҚҚА НЕ МАШАҚҚАТЛАР БИЛАН ЭРИШГАНМИЗ»

— СССР Президенти билан тўққиз жумҳурият раҳбарларининг қўшма баёноти руҳининг кескинлиги ва қатъийлиги билан ажралиб турибди, шунинг ўзиёқ кўп кишилар учун кутилмаган ҳодиса бўлди. Аммо у турлича кутиб олинди. Ислом Абдуғаниевич, бу ҳужжатни ўз вақтида қабул этилган деса бўладими, у кечикиб қолгани йўқми?

— Ҳозир баъзи кишилар: биз жар ёқасида турибмизми ёки ҳозирнинг ўзидаёқ унга қулай бошладикми? — деган гап теварагида баҳслашмоқдалар. Менинг фикрим мана бундай: биз чоҳ ёқасига келиб қолдик ва инқирознинг олдини олиш учун шошилинч чоралар кўриш зарур. Аммо бизнинг қўшма баёнотимиз бундан аввал пайдо бўла олмас эди — бунинг учун кўп машақкатлар чекиш, биз бошдан ўтказган нарсаларнинг ҳаммасини бартараф қилиш, бир ёқадан бош чиқариб ва янги тажрибани ҳисобга олиб ҳаракат қилиш зарурлигини англаб етиш, моҳият эътибори билан мустақил давлатлар иттифоқининг негизини яратиш керак эди.

— Бироқ атиги икки ой муддам Иттифоқ шартномасини имзолашга тайёр эмасман, деган эдингиз. Фикрингиз нечун ўзгариб қолди?

— Ўша пайтда, бундай шартномани қуйидан, яъни иттифоқдош жумҳуриятларнинг таклифлари асосида тузиш зарур деб ҳисоблар эдим, ҳозир ҳам шу фикрдаман. Илгарилари биз баҳслашардик, исбот қилардик ва ...ўз фикримизда қолиб, тарқалиб кетардик. Ўша учрашувларда мен: агар ҳамма иш сўзамолликдан нари ўтмайдиган бўлса, биз нега йиғилаяпмиз, деб ўйлар эдим. Унитар давлат тарафдорлари билан Иттифоқ тарқибидан ажралиш, чиқиб кетиш иштиёқида бўлганлар ўртасида беҳуда баҳсларнинг нима ҳожати бор? — деган фикр ҳам бор эди.

Гапимга ишонаверинг, бу — уқубатли фикр-мулоҳазалар эди, чунки ҳатто марказдан қочирма кучлар устунлиги яққол кўриниб турган жумҳуриятларда ҳам ўзларини Иттифоқдан ташқарида тасаввур этмайдиган бир талай кишилар яшаб туришибди. Хўш, нима қилиш керак?

Ҳозирги вазиятда, менимча, фақат икки йўл бор. Биринчиси — иттифоқдош жумҳуриятларга таяниб, бизни бирлаштириб турган умумий жиҳатларни топиш ва ҳамма масалаларни шошилинч равишда ҳал этиш йўли бўлса, иккинчиси диктатура йўлидир. Эҳтимол, диктатура бирон-бир вақтгача эски иқтисодий алоқаларни тиклаши мумкиндир. Дарвоқе, Марказий Комитетнинг Пленумида баъзилар фавқулодда ҳолат жорий этишни таклиф қилдилар. Аммо биз ҳозир 91-йилдан 85-йилга, итоатгўйларча келишувчиликка, юқоридан режалаштиришнинг эски усулларига қайтишга рози бўла оламизми? Қайта қуриш энг муҳим нарсани: халқнинг ўзлигини англашини ўзгартирди. Тўғри, биз ҳозирча уни рўёбга чиқара олмаяпмиз. Асосий тўсиқ шуки, марказ билан жумҳуриятларнинг ўзаро муносабатлари ҳали белгилаб олингани йўқ. Жумҳуриятларнинг мустақиллиги тўғрисидаги декларацияларни СССР Олий Кенгаши тан оладими ёки йўқми, жумҳуриятларнинг парламентларига у қандай муносабатда бўлади, буни ҳатто билмаймиз ҳам. Агар марказ жумҳуриятларнинг қонунларини рад қилиши ёки уларга розилиги маълум бўлмаса, «қонунлар уруши» ҳақида қандай қилиб гапириб бўлади.

«Жиловни қўлдан бермасликка», марказнинг ҳамма вазифаларини авайлаб асрашга, унитар давлатни сақлаб қолишга интилаётган кучлар ҳам борлигини кўриб турибман. Бизнинг қўшма баёнотимизга қаршилик қилиш, уни пучайтиришга уринишлар ҳам бўлиши, шубҳасиз. Бу соҳада кураш бўлишини фаҳмлаб турибман.

— Сизнинг назарингизда, марказ учун ва жумҳуриятлар учун бу баёнотдаги энг муҳим жиҳат нима, нималарни ҳимоя қилишга тўғри келди?

— Энг муҳими шуки, биз кирмоқчи бўлган ва шу мақсад йўлида Иттифоқ шартномасини имзолаш мўлжалланаётган Иттифоқ — Федерация жумҳуриятларнинг чинакам мустақиллигига таянадиган бўлсин, у мустақил тенг ҳуқуқли давлатларнинг иттифоқи бўлиб қолсин. Бу — биз учун энг муҳим қоидадир. Шунга биноан Иттифоқ тузилишининг ваколатлари ҳам юқоридан буюрилмай, балки қуйидан белгиланиши лозим. Бунинг маъноси жуда катта, бироқ кучли жумҳуриятлардан муайян ҳокимият вазифаларини олган марказ ҳам кучли бўлишига шубҳаланмайман. Модомики марказга ўзимиз ваколатларни берсак ва унинг ҳуқуқ доирасини аниқ фарқлаб қўйсак, унинг қарорларига қарши эътироз билдириш — ҳеч кимнинг ҳаёлига ҳам келмайди. Шу қоида атрофида кўп гап-сўзлар бўлди. Сирасини айтсам, биз дарров бир фикрга кела олмадик.

Янгиланган Федерация барпо этилгунча қатъий конституциявий тартибни сақлаб туриш, мамлакатимизнинг 1991 йилдаги турмушини белгилайдиган иқтисодий битимни бажариш ҳам жуда муҳимдир.

Бўлғуси Иттифоқ шартномасига келганда шуни айтиш керакки, мен кўпгина жумҳуриятларнинг шартнома нусхалари билан танишман. Биз — Россия, Украина, Белоруссия, Қозоғистон ва Ўзбекистон вакиллари яқинда Киевда йиғилдик. Ҳамма нусхаларни муҳокама қилдик. Биз Иттифоқ ва жумҳуриятларнинг ҳуқуқларига ҳамда мажбуриятларига бир хил ёндашяпмиз. Мен Ўрта Осиёдаги бошқа жумҳуриятларнинг раҳбарлари билан гаплашдим, уларда эътироз йўқ. Озарбайжон президенти ҳам қарши эмаслиги менга маълум. Мана шу аҳдлашувлар билан тўппа-тўғри Иттифоқ ҳужжатини имзолашга рози бўлиш мумкин.

— Иттифоқ шартномасини имзолайдиган жумҳуриятлар ўзлари учун мумкин қадар қулайлик тартибини ўрнатиб оладилар. Бу нарса жумҳуриятлар учун, жумладан, Ўзбекистон учун нимани билдиради?

— Ҳозирги аҳволимизнинг фожиали жиҳати шуки, марказ билан ижроия алоқалари узилиб қолди, мамлакат Олий Кенгашининг қонунлари ва Президентнинг Фармонлари жумҳуриятларда бажарилмаяпти. Буни ҳозирги энг катта зиддият деса бўлади. Аммо биз ихтиёрий, равишда Федерацияга кириб, марказ билан алоқаларнинг мунтазам тизимини белгилаб олишимиз биланоқ, шу тариқа ўзаро масъулият тизимини ҳам белгилаб олган бўламиз. Ниҳоят, оқилона, энг мақбул муносабатлар қарор топади, бу муносабатлар шароитида ҳар бир алоҳида жумҳуриятнинг манфаати умуман Иттифоқнинг ҳам манфаатига айланади.

Шартномада биз Иттифоқ қарамоғига берадиган соҳалар: жумҳуриятлар ўртасидаги ўзаро муносабат масалалари, йирик тармоқ дастурлари ва албатта, темир йўл ҳамда ҳаво транспорти, мудофаа комплекси ва шу кабилар аниқ кўрсатиб қўйилиши лозим, деб ўйлайман.

Жумҳуриятлар эса Иттифоққа киргач, масъулиятнигина эмас, шу билан бирга Федерациянинг афзалликларини ҳам ҳис қилишлари керак. Бу Федерация ихтиёрий ҳамжамият бўлиб, унда меҳнат тақсимоти ҳам, кооперация ҳам бўлади, заруратга қараб энг муҳим умумий вазифаларни ҳал қилиш учун куч-ғайратлар ва имкониятлар бирлаштирилиши лозим бўлади. Мисол учун Ўзбекистонни олайлик. Биз Иттифоқдан ташқарида жуда занф бўлиб қолишимизни равшан тушуниб турибмиз. Биз ҳамма учун мажбурий бўлган ҳужжатларни имзоласак, жўжалик муносабатларидаги ҳар қандай бўшашувчанликка йўл ҳам, имконият ҳам бўлмай қолса, у ҳолда бизнинг жумҳуриятимизда ҳам, бошқа жумҳуриятларда ҳам Иттифоқни ҳеч кимга тарғиб қилишга эҳтиёж қолмайди. Жумҳуриятлараро алоқаларнинг фожиали жиҳати шуки, марказ билан ижроия алоқалари узилиб қолди, мамлакат Олий Кенгашининг қонунлари ва Президентнинг Фармонлари жумҳуриятларда бажарилмаяпти. Буни ҳозирги энг катта зиддият деса бўлади. Аммо биз ихтиёрий, равишда Федерацияга кириб, марказ билан алоқаларнинг мунтазам тизимини белгилаб олишимиз биланоқ, шу тариқа ўзаро масъулият тизимини ҳам белгилаб олган бўламиз. Ниҳоят, оқилона, энг мақбул муносабатлар қарор топади, бу муносабатлар шароитида ҳар бир алоҳида жумҳуриятнинг манфаати умуман Иттифоқнинг ҳам манфаатига айланади.

Шартномада биз Иттифоқ қарамоғига берадиган соҳалар: жумҳуриятлар ўртасидаги ўзаро муносабат масалалари, йирик тармоқ дастурлари ва албатта, темир йўл ҳамда ҳаво транспорти, мудофаа комплекси ва шу кабилар аниқ кўрсатиб қўйилиши лозим, деб ўйлайман.

Жумҳуриятлар эса Иттифоққа киргач, масъулиятнигина эмас, шу билан бирга Федерациянинг афзалликларини ҳам ҳис қилишлари керак. Бу Федерация ихтиёрий ҳамжамият бўлиб, унда меҳнат тақсимоти ҳам, кооперация ҳам бўлади, заруратга қараб энг муҳим умумий вазифаларни ҳал қилиш учун куч-ғайратлар ва имкониятлар бирлаштирилиши лозим бўлади. Мисол учун Ўзбекистонни олайлик. Биз Иттифоқдан ташқарида жуда занф бўлиб қолишимизни равшан тушуниб турибмиз. Биз ҳамма учун мажбурий бўлган ҳужжатларни имзоласак, жўжалик муносабатларидаги ҳар қандай бўшашувчанликка йўл ҳам, имконият ҳам бўлмай қолса, у ҳолда бизнинг жумҳуриятимизда ҳам, бошқа жумҳуриятларда ҳам Иттифоқни ҳеч кимга тарғиб қилишга эҳтиёж қолмайди. Жумҳуриятлараро алоқаларнинг устунлиги ҳар бир корхонага иттифоқдош жумҳуриятларнинг ёрдамига таяниб ишлаш ва ривожланиш имконини беради, меҳнат жамоалари эса исрофгарчиликларга, ишлаб чиқаришнинг тўхтаб қолишига, иш ҳақининг камайишига йўл қўймасликка муваффақ бўладилар.

— Шартномани имзоламайдиган жумҳуриятларчи, улар қандай аҳволга тушадилар?

— Шуни дарров айтиб қўя қолай, биз қолган олти жумҳуриятни бирон-бир тарзда камситиш ҳақида оғиз ҳам очганимиз йўқ. Қўшма баёнотда уларнинг Иттифоқ шартномасига қўшилиш масаласини мустақил ҳал этишга тўла ҳақли эканликлари айтилган. Бироқ, бу жумҳуриятлардаги турли-туман сиёсий баёнотлар ва декларациялар иқтисодий ҳисоб-китоблар билан мустаҳкамланмаганлиги мени ажаблантиради. Уларнинг раҳбарлари, агар Иттифоқдан чиқсалар, ўз имкониятлари доирасида одамларни боқиш ва кийинтиришни, нормал турмушни таъминлашни уддалай оладиларми ёки йўқми эканини билишларига амин эмасман. Келгусида шундай бўлиши мумкин: тўққизта жумҳуриятнинг ўзаро манфаатли муносабат ўрнатадилар, солиқ солиш, савдо-сотиқ, бюджетни вужудга келтириш муаммоларини ҳал қиладилар, ана ўшанда олтита жумҳуриятдаги халқ, ниҳоят, энг муҳими нима — иқтисодий алоқаларми ёки сиёсатчиларнинг манфаатими, — деб ўйлар қолади. Гапимга ишонаверинг, мен ҳеч кимни чўчитаётганим йўқ. Бироқ шу масала пайдо бўлади.

— Қўшма баёнотда тангликка қарши биргаликда чоралар кўриш ҳақида гапирилган, бу ўринда нималар назарда тутилади?

— Аввало, Иттифоқнинг ва иттифоқдош жумҳуриятларнинг бюджетини тузиш ҳақида. Ҳозир биз нарх-навони ислоҳ қилар эканмиз, агар аҳолига ваъда қилинган даражада компенсация бера олмасак, халқнинг ишончидан бутунлай маҳрум бўлиш хавфи остида турибмиз Шундай қилиш жуда зарур.

Йилнинг биринчи чорагида Иттифоқ бюджетига 31 миллиард сўм тушмай қолди, чунки тушумлар тизими ва умуман солиқ сиёсати пухта ўйлаб тузилмаган. Бироқ одамларни озиқ-овқат билан таъминлаш — энг муҳим масала. Тангликка қарши чора-тадбирларнинг асосий маъноси шуки, барча жумҳуриятларда халқ зарур маҳсулотлар билан таъминланадиган бўлсин.

Ўз-ўзидан равшанки, биз ҳаммамиз энг муҳим Иттифоқ дастурларини — аввало экология дастурини рўёбга чиқаришда қатнашишимиз керак. Экология соҳасидаги муаммолар йил сайин ўткирлашиб бормоқда ва бир минтақадаги нохуш вазият иккинчисига ўтмоқда. Ҳозир Чернобиль ва Орол муаммолари энди дунё миқёсига чиқди, бу муаммоларни куч-ғайратларни бирлаштирмай туриб ҳал этиб бўлмайди. Биз мудофаа саноатини тинч соҳага ўтказиш масалаларини тезроқ ҳал этишдан ҳам манфаатдормиз — бу ҳам муштарак муаммодир. Ёқилғи-энергетика дастури ҳам биз учун бефарқ эмас, бизнинг назаримизда бу дастур алоҳида бир жумҳуриятники бўлиши мумкин эмас. Шахтёрларнинг иш ташлаши бу нарса кўмир ҳавзаларидан мингларча километр наридаги бошқа юзлаб ишлаб чиқаришларга қандай таъсир қилишини кўрсатди. Биз ҳам шахтёрлар учун нормал шароит яратиб берилишини хоҳлаймиз, бу ишда ва тангликка қарши бошқа чора-тадбирларда қатнашишга тайёрмиз, албатта. Баъзи жумҳуриятлар бу чора-тадбирларни пул билан, бошқалари ресурслар билан таъминлайди, яна учинчилари эса қандайдир ҳисса қўшади. Биз фақат биргаликда ва онгли равишдагина қийинчиликларни бартараф эта оламиз, вазиятни ўзгартира оламиз. Бунинг учун эса бюджетни ва бюджетдан ташқари жамғармаларни вужудга келтириш лозим.

— Жумҳуриятларнинг мустақиллиги воқеликка айланди, энди ваколатлар гарчи ҳали қонун билан мустаҳкамланмаган бўлса ҳам, ҳар ҳолда фарқлаб қўйилди. Бинобарин, тангликка қарши дастур Иттифоқ қисмидан ва жумҳуриятлар қисмидан таркиб топиши керак экан-да!

— Шартноманинг сўнгги нусхаси асосида Иттифоқ билан жумҳуриятлар ўртасида вазифалар фарқлаб қўйилганидан кейин ҳар бир жумҳурият аниқ нима қилиши кераклиги равшан бўлади. Ҳозирча тангликка қарши дастур умумий тарздагина чизиб қўйилган, аммо у аниқ мазмун билан ва ижро воситаси билан тўлдирилмаган, ҳудудларга яқинлаштирилмаган. Уни амалга ошириш воситаси ишга солингандан кейин у кучга эга бўлиб қолади, аммо уни жумҳуриятларнинг ижроия идораларини ишга солмай бажариб бўлмайди.

— Фуқароларни итоатсизликка, иш ташлашларга гижгижлашга қарши огоҳлантиришнинг Ўзбекистон учун қандай аҳамияти бор, жумҳуриятдаги ижтимоий-сиёсий вазиятга қандай баҳо берасиз ва сизнинг тахминингиз қандай?

— Ўзбекистон мамлакатнинг қолган қисмидан тўсиб қўйилган эмас, ижтимоий беқарорликдан эса ҳеч қандай чегаралар ёки тақиқлар билан ҳимояланиб бўлмайди, фақат олисни кўзловчи оқилона сиёсат юритмоқ керак. Шахтёрларнинг иш ташлашлари ва аҳолининг бошқа шаклдаги норозиликлари пасая бошлагани муҳимдир. Менинг назаримда, бу ҳам қўшма баёнотнинг натижасидир. Чунки қўшма баёнот ҳукуматларга ва ҳокимият тузилмаларигагина эмас, шу билан бирга сиёсий партияларга, ҳаракатларга, жамоатчиликка ҳам қаратилгандир. Биз ҳаммага ихтилофларни, сиёсий манфаатпарастликларни йиғиштириб қўйиш ҳақида қуруқ илтимос билан эмас, балки биринчи галдаги чора-тадбирларнинг аниқ дастури билан мурожаат этдик. Агар бу дастурларга хайриҳоҳлик билан оқилона ёндашилмаса, ялпи инқироз шароитида эртага ким сўл-у, ким ўнг эканини ажратиб оладиган кишининг ўзи бўлмайди. Зотан, ҳозир соғлом фикр ҳар қачонгидан ҳам муҳимроқдир. Ҳозир марказ билан жумҳуриятларнинг вазиятни соғломлаштиришга қаратилган ҳамма чора-тадбирлари қил устида турган барқарорликни сақлаб қолиш, меҳнаткашлар билан мулоқот бошлаш, ҳамжиҳатликка эришиш имконини беради. Таъбир жоиз бўлса, ялпи кескинлик вазиятида (Ўзбекистон ҳам бундан истисно эмас) жумҳуриятдаги меҳнат жамоалари, айрим ҳаракатларнинг раҳбарлари ҳар ҳолда ўз режаларини, менимча, мамлакат жамоатчилиги фаҳмлай бошлаган оқилона қарашларга бўйсундирмоқдалар. Ижобий дастур асосида жипслашишгина бизни тангликдан ҳалос этиши мумкин.

Ҳозирги пайтда таҳминлар қилиш жуда мураккаб, бироқ мен шунга аминман: агар яқин кунлар ичида бизнинг қўшма баёнотимизни аниқ мазмун билан тўлдиришга муваффақ бўлинса, иттифоқ яшайверади. Бундай қилиш ҳар биримизга ва аввало СССР Президентига боғлиқ, бу ўринда ҳеч иккиланмай масала СССР Президентига боғлиқ эканини айтиш мумкин. Бу фақат менинг фикримгина эмас, бошқа иттифоқдош жумҳуриятларнинг раҳбарлари ҳам шу фикрдадирлар.

Агар икки раҳбар — М. Горбачев билан Б. Ельцин биз билан бирга ўзлари имзолаган ҳужжат мавқеида қатъий турсалар, иттифоқ шартномаси тез орада тузилишига ишончим комил. Шу босқичда зарур бўлган ҳамма ишлар, менимча, қилиб бўлинди, бошқа баёнотлар ва нутқларнинг кераги йўқ. Орзиқиб кутилган шартномани энди пайсалга солиш ярамайди. Биз Иттифоққа не машаққатлар билан эришганмиз.

Суҳбатни «Известия»нинг ўз мухбири А. ОРЛОВ олиб борди.

Тошкент.

(«Известия» рўзномасининг 2 май сонидан).

ОРОЛАНИБ КЕЛДИ МАЙ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

дан, Тошкентда бу гал Биринчи Май намойиши нима сабабдан ўтказилмаётганини тушунтириб берди. Бизга ҳозирги пайтда дабдабанинг ҳожати йўқ, зотан кўз-кўз қилишга арзийдиган ютуқларимиз ҳам йўқ. Республикамизнинг аҳволи оғир, ҳаммамиз яхшироқ яшаш учун яхшироқ ишлашимиз керак. Президент тўққиз иттифоқдош республика имзолаган битимни юқори баҳолади. Битим бу республикалар ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришда янги истиқбол очади.

Баҳор ва тинчлик байрамини болалар боғчаларининг тарбияланувчилари, мактаб ўқувчилари бошлаб бердилар. Улар ҳозир бўлган кишиларни байрам тароналари остида қизғин табрикладилар. Майдонда театрлаштирилган катта томоша кўрсатилди. Томошада республикамиздаги машҳур бадиий жамоалар қатнашдилар. Мамлакатимиз ва жаҳон халқларининг улар ижросидаги рақслари «Хонадонингизга тинчлик», «Жаҳон болаларига баҳт-саодат» сўзлари ёзилган яхши шиорлар билан уйғунлашиб, ажиб бир даврага айланди.

Ҳозир бизнинг улкан умумий хонадонимизга эса тинчлик ҳар қачонгидан кўра зарур. Жумҳурият партия ташкилоти, ҳукумати кўп миллатли Ўзбекистон аҳолиси яхши яшаши ва меҳнат қилиши учун қўлларидан келган барча ишларни қилмоқдалар.

— Бугунги байрам мен учун ҳам анъанавий, ҳам мутлақо амалий мазмунда меҳнат байрамидир, — деди Тошкентдаги 5-таксопарк ҳайдовчиси А. К. Жукова. — Буни қарангки, бугун меннинг иш куним. Майдондан тўппа-тўғри ишга бораман. Йўловчиларим ана шу байрам онларида хурсанд бўлишлари учун ҳамма ишни қиламан. Эртанги яхши турмуш ҳақидаги барча гаплар амалий ишлар бўлмаса, ҳеч нарсага арзимайди. Ҳар бир киши виждонан меҳнат қилса, яшаши ҳам осон бўлади. Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерациясининг аъзоси сифатида касаба уюшмалари меҳнаткашларнинг ҳуқуқларини янада қаттиқроқ ҳимоя қилишлари керак, деб ҳисоблайман.

Чилонзор районидаги «Мевазор» маҳалла комитети раисининг ўринбосари, уруш фахрийси М. Мирзааҳмедов шуларни таъкидлади:

— Республика ҳукумати одамлар яхши яшашлари учун шарт-шароит яратиш мақсадида кўп иш қилмоқда. Хоҳловчи кишиларга ер ажратиб берилгани савобли иш бўлди. Энди одамлар ўз меҳнатларидан яхшироқ фойдаланиш имкониятини олдилар. Ижтимоий масалаларни ҳал этишга, кам таъминланган оилалар, талабалар турмушини яхшилашга катта эътибор берилмоқда. Улуғ Ватан уруши қатнашчиси сифатида бизнинг ҳимоячимиз бўлган армиямиз тўғрисида кўпроқ ғамхўрлик қилишимиз керак.

Ленин майдонидаги Биринчи Май тантаналарида Ўзбекистон ССР Вице-президенти Ш. Р. Мирсаидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи котиби А. С. Ефимов, Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раисининг ўринбосари Б. И. Бугров, Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони И. В. Фуженко, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг ва республика ҳукуматининг аъзолари қатнашдилар.

Майдондаги, Тошкент шаҳрининг истироҳат боғлари ва оромгоҳларидаги халқ сайиллари қоронғу тушгунча давом этди. Биринчи Май тантаналари байрам мушакбозлиги билан ниҳоясига етди.

В. ДРАЧЕВ,
ЎзТАГ мухбири.

ЖУМҲУРИЯТ ВИЛОЯТЛАРИДА 1 МАЙНИНГ НИШОНЛАНИШИ

АНДИЖОН. Сайилни вилоят фирқа қўмитаси, халқ депутатлари вилоят Кенгаши раҳбарияти, уруш ва меҳнат фаҳрийлари бошлаб бердилар. Ўлар Октябрь майдонига тўпланиб, В. И. Ленин ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйдилар. Сўнг Алишер Навоий номли маданият ва истироҳат боғига йўл олдилар.

Боғда байрам сайли — ўйин-кулги бошланиб кетди. Комилжон Ҳакимов раҳбарлигидаги доирачилар халқ дастаси чирманда сеҳрини намойиш қилди. Шаҳардаги ўқув юртлари ва корхоналарнинг қатор ҳаваскорлар жамоаларининг байрам хонишлари кишиларга роҳат бахш этди. Алижон Ҳожиматов бошлиқ цирк усталари кўрсатган тамошалар байрамга алоҳида файз бағишлади. Боғдаги барча тамошахона, аттракцион ва бошқа кўнгилочар жойлар, умумий овқатланиш маконлари сайилчилар хизматида бўлди.

Байрам арафасида Андижон шаҳрида ҳашар йўли билан қурилган меҳр-шафқат хиёбони очилди. Навоий шох кўчасидан хиёбонга кираверишда Шарқ меъморчилиги услубида чиройли равон ва мовий гумбазлар қад кўтарди. Бу ерда серфарзанд оналар, ногиронлар, муҳтож кишиларга арзон нархда хизмат кўрсатадиган ошхона, хашаматли чойхона, новвойхона, сабзавот, заргарлик, озиқ-овқат, саноат моллари дўконлари барпо этилган. Байрам куни бу хиёбон одамлар билан гавжум бўлди.

БУХОРО. 1 Май байрами В. И. Ленин номли майдонда меҳнаткашлар митинги билан бошланди. Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг раиси, вилоят партия қўмитасининг биринчи котиби Д. С. Ёдгоров тўпланганларни халқаро бирдамлик куни билан табриклади. Митингда сўзга чиққан меҳнат жамоаларининг вакиллари, партия ветеранлари мамлакатдаги барча соғлом фикрли кишиларни жамиятни сиёсий ва иқтисодий инқироздан олиб чиқиш учун жипслаштириш бўйича КПСС Марказий Комитети апрель Пленуми белгилаб берган йўлни чин дилдан қўллаб-қувватлашларини изҳор этдилар.

Шундан кейин байрам тантаналари шаҳарнинг кўча ва хиёбонлари, истироҳат боғлари ва ўйингоҳларига кўчди. Меҳнаткашлар бадиий хаваскорлик коллективларининг чиқишларини, дорбозлар, спортчилар ўйинларини мамнуният билан тамоша қилишди.

Айниқса шаҳар маҳаллаларида ўтган байрамлар тантаналари кўпчиликда яхши таассурот қолдирди. Аббос Алиев номли маҳаллада шундай тантаналарнинг гувоҳи бўлдик. Бу ердаги хонадонларда асосан пойафзал фабрикасининг ишчилари, хизматчилари яшашади. Маҳалла фаоллари Ҳамид Ғафуров ва Шомурод Ҳайитовнинг ташаббуси билан байрам дастурхони тортилди. Ҳар бир хонадон ўз пазандалик санъатини намойиш қилди. Файзулла Хўжаев район ижроия қўмитаси ҳузуридаги «Бахт уйи»нинг Шариф Бакиров раҳбарлигидаги ансамбли маҳалладошларига ўз санъатини намойиш этди.

Вилоятнинг бошқа шаҳар ва қишлоқларида ҳам 1 Май байрами шодиёналари ҳаммада яхши таассурот қолдирди.

ЖИЗЗАХ. Эрта тонгдан юзлаб шаҳарликлар бош майдонга тўплана бошлашди. Барчанинг қўлида алвон байроқчалар, хилма-хил шиорлар: «Иқтисодий тангликка қарши — зарбдор меҳнат!», «Халқлар дўстлиги абадий бўлсин!», «Яшасин Биринчи Май!»...

В. И. Ленин ҳайкали пойига ананавий гулчамбарлар қўйиш маросимини вилоят партия қўмитаси, халқ депутатлари вилоят Кенгаши ижроқўми ходимлари бошлаб бердилар. Жиззах шаҳар партия қўмитаси биринчи котиби, шаҳар Кенгаши раиси А. Соатов аҳолини «Ғалаба» истироҳат боғи ҳамда «Ғунча» болалар боғида бўладиган халқ сайлига таклиф этди. 1 ва 2 май кунлари Жиззахнинг бош ўйингоҳида миллий спорт турлари бўйича оммавий мусобақалар бўлиб ўтди.

Вилоятнинг чўлқувар районларидаги байрам тантаналари ўзига хос маъно ва мазмун касб этди. Эрта тонгдан бошланган халқ сайиллари меҳнат байрамига уланиб кетди.

— Бугунги кунга келиб жами 141 минг гектар ғўза майдонининг 80 фоизидан чигит униб чиқди, — дейди вилоят агросаноат қўмитаси раиси Н. Умаров. — Экилган чигитнинг 90 фоизини ундириб олишга эришган Дўстлик ҳамда Пахтакор районлари меҳнаткашлари ғўзага ишлов беришда ҳам тадбиркорлик қилмоқдалар.

Айни чигит унадиган пайтдаги бемавруд ёмғир ҳамда кучли сел чўлқуварларни салкам 10 минг гектар ерда чигитни қайта экишга мажбур қилди. Ғўза ривожини кечиктирди. Шу боис вилоят пахтакорлари май ойнинг

«Совет Ўзбекистони» мухбирлари хабар қиладилар

дастлабки қуёшли кунларидан унумли фойдаланиб қолиш иштиёқида Май байрамларини меҳнат байрамига айлантириб юбордилар.

ҚАРШИ. Вилоят партия, Совет ташкилотлари раҳбарлари, ветеранлар, ишлаб чиқариш илғорлари В. И. Ленин ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйдилар. Қисқача митинг бўлди. Қарши шаҳар партия қўмитасининг биринчи котиби, шаҳар Кенгаши раиси М. Маҳмудов байрам қатнашчиларини самимий табриклади. Майдон бўйлаб дилрабо куйлар янгради. «Май — Баҳор, Тинчлик ва Дўстлик!» шиори остида театрлашган тамоша намойиш этилди. Мичурин маҳалласи фольклор дастаси қисқа вақтда тамошабинлар эътиборини қозонган. Маҳалла санъаткорларининг байрам программаси жуда қизиқарли чиқди.

Сўнгра оммавий халқ саёйиллари Алишер Навоий номли шаҳар маданият ва истироҳат боғида, Шуҳрат қўрғони майдонида ҳам давом этди. Одамларнинг кайфияти яхши. Маҳсус ташкил этилган савдо ярмаркалари байрам қатнашчилари хизматида бўлди.

Умуман Қашқадарё вилоятининг бошқа шаҳар ва районларида ҳам байрамга бағишланган халқ сайиллари завқли ўтди. Далаларда байрам қувончи меҳнат ғайратига йўғрилиб кетди: область колхоз ва совхозлари чигит экишни якунладилар.

ГУЛИСТОН. Байрамни оммавий сайилгоҳларда, гавжум жойларда ўтказишни хоҳловчилар учун барча шароитлар муҳайё этилди. Вилоят маркази — Гулистон шаҳри эрталабданоқ гавжум бўлиб кетди. Карнай-сурнай садолари одамларни оммавий сайилгоҳларга чорлайди. Шаҳардаги яшил театр биносида Олим Хўжаев номли вилоят музикали драма театри санъаткорлари ўз маҳоратларини намойиш этдилар. Шунингдек шаҳарнинг санъат билим юрти жамоаси, кўплаб бадиий ҳаваскорлик дасталари, дорбозлар меҳнаткашлар хизматида бўлишди.

Янгиер, Ширин шаҳарлари саноатчилари ва қурувчилари, зиёлиларнинг кўпчилиги эрталабки байрам шодиёналаридан сўнг ўз оилалари билан янги ажратилган томорқа хўжаликларига йўл олдилар.

Вилоят дала меҳнаткашлари ҳам Май байрамини дўстлик, биродарлик, яратувчилик байрами сифатида нишонладилар. Вилоят пахтакорлари 148 минг гектар ерга муддатидан илгари чигит экиб бўлгандилар. Сирдарё, Гулистон, Боёвут, Ворошилов, қўриқдаги Ильич, Оқолтин, Меҳнатобод ва Комсомол районларининг деҳқонлари байрамни ўз жамоаларида шоду-хуррамлик билан ўтказдилар. Байрам шарафига таналар, қўйлар сўйилди, дала шийпонлари ўйин-кулги садоларигà тўлди. Кўнгилли дам олишлардан сўнг кўп жойларда экинларга дастлабки ишлов беришга киришилди.

УРГАНЧ. Хоразмда ҳам бу галги байрам меҳнат, ижодкорлик, эркинлик тусини олди: ҳар бир шаҳар, район ва қишлоқда ўша жойнинг анъана, одатлари байрам билан уйғунлик кашф этди.

Шаҳарнинг безатилган бош майдони эрталабдан гавжум бўлди. Шўх куй-қўшиқлар, алвонранг гулу байроқлар кишилар кўнгли билан ҳамоҳанг. Энг яхши пазандалар ўз маҳсулотларини тайёрлаб келишган, санъаткорлар хониши авжида, истироҳат боғи эса болаларнинг энг севимли жойига айланди. Турли хил ўйингоҳлар улар ихтиёрига бериб қўйилди, томошалар кўрсатилди.

Хива шаҳри эса шу куни ҳақиқий халқ театри тусини олди. Бахшилар, халфалар, масхарабозларнинг чиқишлари, ранг-баранг томошалар Ичанқалъани эртакдигидай бир ажиб шаҳарга айлантириб юборди. Байрам ғайлида Буюк ипак йўли экспедицияси иштирокчилари ҳам қатнашишди.

— Деҳқонларимизнинг кўпчилиги байрамни далада нишонлашди, — дейди Гурлан районидаги «Коммуна» жамоа хўжалиги раиси А. Вафоев. — Кейинги пайтда устма-уст ёққан ёмғирлар ишимизга анча халақит берган эди. Байрам кунлари ишларни ўнглаб олиш, ғўзаларга ишлов бериш, қурилиш билан машғул бўлдик. Жамоалар ўз хоҳишларича куннинг қулай пайтида байрам қилишди. Қозонларда ош дамланди. Санъаткорлар хизмат кўрсатишди.

* * *

Жумҳуриятимизнинг Тошкент, Самарқанд, Сурхондарё, Наманган, Фарғона вилоятлари ва Қорақалпоғистонда ҳам 1 Май байрами ранг-баранг шаклларда шоду хуррамлик билан ўтди. **Тинчлик, Меҳнат, Май** жамоалар ва оилаларда баҳор юмушларига йўғрилиб кетди.

● Тошкент. В. И. Ленин номли майдонда 1 Май байрам сайлидан лавҳалар.

В. МОЛГАЧЕВ олган суратлар.

• ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ЁЗУВЧИСИ МИРМУҲСИН—70 ЁШДА



МИРМУҲСИН.

КЕМАГА ТУШГАННИНГ...

• Воқеий ҳикоя

Эрта билан бағрига уч юз олтмиш кишини олиб, Домодедово аэропортидан ваҒиллаб, залвар билан кўтарилган улкан аэробус тезда булутларни ёриб, осмони фалакка чиқди. Беҳудуд фазо ичра жанубга, Тошкент сари йўл олди. Куз, қорасовуқ бўлишига қарамай, ойналардан офтоб нурлари тушиб, бир зумда манзара ўзгарди. Ажиб бир эртак... Анча пастда қолган оппоқ булутлар узра баҳайбат кема қанотларини кенг ёзиб арзу самони ларзага солиб, учиб борарди. Дарҳақиқат, бир маҳалла одамни кўтариб, офтобу ер ўртасида учиб бориш эртакнинг ўзгинаси эмасми.

Биринчи салоннинг охирроғида, даричa ёнида, онаси пинжига суқилиб, миқ этмай ўтирган Нигора кема сал-пал лопиллаб, ташлаб юборгудай бўлса, онага ёпишар, атрофдаги одамларнинг кўзларига жовдирарди. «Нима бўляпти...» дегандай она билакларидан беихтиёр маҳкам ушлаб оларди.

— Қўрқма, қизим, — деди Маҳбубахон унга далда бериб, — ахир шунча одам ўтирибмиз-а! Мен аданглар билан Кисловодскка борганимда ҳам шунақа «качкалар» бўларди, қўрқмаганман. Ўтиб кетади. Карлово Вари курортига борганимизда Москвадан Прагага учганмиз... Ана, кўрдингми, чақалоқ болалари билан ҳам учишяпти. Биринчи қаторда ўзимизнинг халқ депутатимиз ўтирибдилар. Ўнг томонингга қарагин, қариялар, инвалидлар ҳам бор. Ҳозир самолётда учиш қўрқинчли эмас. Икки дунё бир қадамдир авлиёнинг олдида дейишарди, йўқ, икки дунё бир қадамдир авианинг олдида, десалар тўғри бўлади...

Нигора она берган далдадан ўзига келиб, бўйнини чўзиб, у ёқ-бу ёққа алангладi, хириллаб ухлаб ўтирган семиз одамга кўзи тушди. Бу хуппоз кўп учса керакки, тамоман парвойи палак! Нигоранинг орқасида ўтирган нимжон, рангпар бир аёл онаси билан гаплашаётганини, Маҳбубахон унга қўрт бериб, кўнглингиз озса шимиб ўтиринг деяётганини ҳам кўрди. Бу рангпар аёл Москвада, Борвиха касалхонасида операция бўлгани, жарроҳлар олти соат ўлим билан олишиб, ҳаётини сақлаб қолганини гапирарди. Аёлнинг азоб-уқубатини тинглаб ўтирган Маҳбубахон ҳам, Нигора ҳам ўз аламларини бир лаҳза бўлса ҳам унутишди.

«Жарроҳ» сўзини эшитган Нигора ўша хаста аёлга тикилди, севикли кишиси Ҳабиб ёдига тушди. Гапларига қулоқ осди. Ишқилиб яна «качка» бўлмасинда, деди ўзига ўзи. Ачинганидан яна унга диққат билан тикилиб, юракни операция қилмоқлик — ҳазилакам гап эмас, деди ўзига ўзи. Шундан сўнг Нигора яна даричадан пастдаги поёнсиз паға оқ булутларга тикилди — дунё шунчалар кенг, тинимсиз ваҒиллаш, учиш...

— Қўрқаётганингиз йўқми? — операциядан чиққан аёлдан сўради Нигора.

— Йўқ,—илжайди аёл, — тебраниш бўлса кўнглим озади, ҳар қалай бўлмаганни яхши. Сизлар билан танишиб олганимдан хурсандман.

Аёл ўзининг совет ташкилотларида ишлагани, касаллиги туфайли кетгани, уларнинг оталари Жамшидбек Зулфиқоровни таниши, уни пахта ишига боғлаб айблашганини ҳам эшитган экан. Таассуф билдирди. Тўппини ол деса калла олингани, бригада бошлиқларигача қамалганини айтди. Маҳбубахон кўзларига ёш олиб, шу масалада Москвага арзга келишганини гапириб берди.

— Бош прокурор қабулида бўлдик, — деди Маҳбубахон. — Бир терговчи группаси билан Тошкентга келиб, отамиз устидан тушган юмалоқ хатларни кавлаштирган. Уйимизни тинтув қилди, — деди ғазаби қайнаб Маҳбубахон. — Юз йил ҳукумат учун жон-дилингдан хизмат қилгину бир кун келиб, бир нимадан шубҳа бўлдими, устингдан бўҳтон ёзилдими, тамом... Гдлян деган кимса одамларни ҳукуматимиздан атайин норизо қилмоқда. Бутун бир ўзбек халқини қораламоқчи. Бутун бир халқнинг белини синдириб қўймоқчи. Ҳеч қачон ниятига етолмайди!

Самолёт яна «качка» бўла бошлади. Нигора онасининг пинжига кириб, ёпишиб олди. Қизнинг ранги ўчиб, кўнгли беҳузур бўлиб, қусмоқчи бўлаётганини сезган орқадаги аёл Нигорага қоғоз халтача узатди.

— Ана, олдинда депутатимиз борлар,— деди ўша аёл орқадан. — Улар тез-тез Москвага учишади. Улар бизга раҳнамо, ғамхўр. Бехавотир бўлинг, қизим. Тезда Тошкентга етиб оламиз. Иложи бўлса ухлаш керак.

— Ухлаш? — Нигора кулиб юборди, — ухлаб бўбман! Самолётда фақат космонавтлар ухлаши мумкин.

— Ҳозирги ёшлар ҳам асабий, — аёл кулди. — Нега бунча асабий бўлдик!

— Шунинг учун биз, ўзбеклардан битта ҳам космонавт чиқмайди, — деди Нигорага жон кириб, — наҳотки бизда яхши учувчилар йўқ бўлса! Жонибековни депутат қилиб сайладик, мармарлар устига ҳайкалини қурдик, аммо у биронта ўзбек ёш учувчисини бағрига олиб, космонавт қилмади. Тарбияламади...

— Гапингиз тўғри, — деди рус аёли ўзбек тилида, — бу ҳалқ дилидаги гап эканини бизлар анчадан бери пайқаб юрибмиз. Бу гапни депутатимиз сессияда айтиши керак. Ҳақ гап! Самолётдан тушгандан кейин, агар лозим топсангиз бориб депутатимизга айтамиз. У албатта инобатга олиб, дафтарига ёзиб қўяди.

Нигора ҳам, Маҳбубахон ҳам, рус аёл ҳам олдинги қаторда ўтирган, тўладан келган депутатга тикилишди. Уч кишининг ҳадеб ўзига қараётганини сезган депутат безовталаниб, ён томонига бир-икки қайрилиб қараб қўйди. Самолёт бир маромда уча бошлагач, Нигора ўрнидан туриб «қўл ювиб келиш...» баҳонаси билан олдинга борди, нотаниш бўлса ҳам кўнгил тўқи — ўша тўладан келган депутатга боқди, дарҳақиқат костюми ёқасида депутатлик қизил байроғи бор, ёнидаги бир киши унга хушомад қилиб, афанди айтиб ўтирибди. Депутат пинагини бузмай, виқор билан Нигорага бир қараб қўйди. Нигора ҳам унга бир-икки боқиб, ичкарига кирди. Қайтиб чиқиб, у ҳақда онасига гапирди, хуллас бу кимсани танидилар... Ҳар қалай, шундай номдор кишилар, халққа ғамхўрлик қиладиган инсон депутат бўлгани яхши, деди Маҳбубахон ичида, мана бу самолёт ичида катталардан ташқари қанча хотин-халаж, болалар, ёрдамга муҳтож кимсалар бор, ишқилиб омон-эсон етиб олайлик. Халқ сайлаган кишилар билан бундай сафарларда бирга бўлмоқлик анча далда бўларкан. Маҳбубахон қизига сездирмай, ичида дуо ўқиди.

Тамадди улашилганидан кейин, улкан кема яна текис сузди. Лекин бир соатлардан кейин безовта бўла бошлади, ичкаридан бир учувчи чиқиб одамларга қаради, у биринчи қаторда ўтирган депутатга ҳам боқиб, безовта бўлмаслик кераклигини, кема қуюқ булутлар қабатини ёриб ўтаётганини таъкидлади. Беш минутдан кейин яна оҳиста сузиш бошланади, деди. Орадан яна бир соатча вақт ўтар-ўтмас самолёт пасаётганини сезишди, радио орқали самолётнинг қўнишга бораётгани эълон қилинди. Олдинги қатордагилар ҳайрон, ҳали бир соатча вақт бор-ку?

Улкан аэробус ўз йўлини ўзгартириб, Тошкентга эмас, Нукус аэропортига қўнди.

Одамлар таажжубда... «Оби-ҳаво яхши бўлмаганлиги сабабли Тошкент аэропорти қабул қилмаган» эмиш. Бу, бўлиб турадиган воқеа.

Аммо бўлиб турмайдиган бир воқеа шу куни ўзининг совуқ башарасини кўрсатди.

Самолёт Нукус аэропортига омон-эсон қўнди: дарҳол пиллапояни олиб келиб, тақаб, ҳамма одамларни ташқарига чиқаришга уринишди. Ғўзал бир пари (стюардесса) эшик олдида одамларни тўхтатиб, биринчи салоннинг биринчи қаторида ўтирган ўша йўғон депутатни ҳаммадан аввал ташқарига чиқарди. Кабинадан чиққан кема командири ҳам бошига шоша-пиша кепкасини кийиб, у одамни кузатди. Йўғон кимса виқор билан пастга тушдида, ёнидаги шотиридан аэропортдаги ҳукумат хонаси қаёқда, деб сўради. У қўли билан бинонинг ўнг қанотини кўрсатди, такаллуф кўрсатиб, ўша томонга бошлади. Депутат аэропортга, чумолидек сочилаётган одамларга бир қараб қўйди-ю индамади. Қандайдир бир боланинг тинимсиз йиғлаши, зинадан тушган она қаёққа боришни билмай, довдираб турганини ҳам кўрди. Ҳукумат хонасидаги телефонлар уни оҳанграбодек ўзига тортарди. Эшигида қоровул турадиган дабдабали хонага ҳеч ким сўрамаса ҳам, у қизил муқовали гувоҳномасини кўрсатиб, кириб кетди. Милиционер илжайиб, кулиб қолди. Қўли телефонга тегиши биланоқ ёнидаги йўлдошига мурожаат этди: бориб чемоданимни олиб келинг!

Йигит югурганча чиқиб кетди.

Нукуснинг ихчамгина аэропортига одам тўлиб кетди; болаликлар, касалманд кексалар залга кириб, ўриндиқ, дераза олди токчаларини эгаллашди. Негадир болали аёлларга меҳмонхона берилмади; бир мухбир йигит одамлар аҳволини кўриб, аэропорт маъмуриятига кириб, жуда бўлмаганда ҳомиладор хотинлар ва хаста-ю кексаларга меҳмонхона берилишини талаб қилди. Маъмурият бунинг иложини тополмаслигини, самолёт кутилмаганда келиб қолгани, ҳаммаёқ банд эканини айтди. Мухбир жуда бўлмаганда ўн кишига тўғрилаш кераклигини талаб қилиб туриб олди. Бу сергайрат йигитнинг ёдига шу лаҳза депутат тушиб, у дарҳол ташқарига чиқиб, ҳукумат хонаси томон югурди. Гиламлар ёзиб ташланган гўзал хонада аллақаёққадир телефон қоқаётган, ким биландир ширин-шакар бўлиб гаплашаётган депутатга яқинлашган эди, диванда ўтирган йигит мухбирга дўқ урди:

— Нима гапинг бор! Кўриб турибсан-ку у киши вертушкада гаплашаётирлар! Бу ёққа ўт!

— Гапим заруррок, ака!

— Бундан ҳам зарур гап бўладими? (У қизил рангли вертушка телефонни кўрсатди). Кимсан? Фамилиянг нима?

— Мухбирман. Сизлар билан бирга Москвадан учиб келаяпман. Учинчи салонда эдим. Халқ аэропортга сочилиб қолди. Совуқ... Болали аёллар анча... Касалманд чоллар ҳам бор... Аэропорт маъмурияти ҳатто ўнта одамга меҳмонхонадан жой бермаяпти. Одамлар кўчада қолди... Депутат акамлар аэропорт бошлиқлари билан гаплашиб берсинлар...

«Депутат» сўзини эшитган йўғон одам трубкани қулоғидан олиб, ялт этиб мухбирга қаради.

— Нима?

— Чиқиб халқнинг ҳолига бир қарасангиз, одамлар қорасовуқда қолди.

— Мен нима қилиб берардим! — деди у зарда билан хўмрайиб. — Мен Нукус аэропортидан депутат эмасман!

— Бор, чиқиб кет, акаси! — деди диванда ўтирган йигит.

— Ия, сиз ўзингиз қанақа депутатсиз! СССР депутати бўлгандан кейин Нукус кирмайдими? Камчаткадан Термизгача киради!

— Унинг фамилиясини ёзиб олинг! — деди трубкани қўймай, — қайси газетада ишлайсан? Редакторинг ким?

— Э, мен сизнинг дўқингиздан қўрқмайман!

Мухбир йигит иш чиқмаслигини билиб, ноумид жўнади. У қайтадан аэропорт бошлиқлари ёнига кирган эди, ўзи ва яна бир фронтчи чолнинг зир югуриб юрганини кўрган бошлиқ ўн беш кишини дарҳол меҳмонхонага жойлаштиришини айтиб, автобус берди. Қолган одамларнинг ҳам бир қисмини хоналарга жойлаштиришга киришишди. Мухбир йигит югурганча бориб кўксида чақалоғини қучоқлаб, тўрт яшар қизини етаклаб, зал эшиги ёнига бораётган аёлнинг тугунини, қизчасини кўтариб, ташқарига олиб чиқди. Уларни автобусга чиқараётган пайтда, аэропортнинг ҳукумат хонаси ёнига келган икки ҳаворанг ГАЗ—24 машинаси ичкаридан таманно билан кулимсираб чиққан, бақбақадор, йўғон кимсани олиб, олдинма-кетин ғувиллаганча қаёққадир кетди. Майдонга сочилган одамлар уларга бақрайганча қараб қолишди. Бу ўша — самолётда бирга келган ҳукумат аъзоси, депутат эканини аниқ кўрдилар. Мухбир йигит жизғанак бўлиб, қўлида қизча, унинг орқасидан пичирлаб сўкди: «Ўртоқлар! Бизни ташлаб кетган мана шу киши депутат бўлади. У ҳозир зиёфатга кетди. Бизларга қайрилиб қарамади ҳам... Биз уни сайлаб хато қилганмиз, у — бизларга бегона» деб овозининг борича бақирмоқчи эди, бунинг иложини тополмади. Қўрқди. «Депутатнинг обрўсини тўкяпти», деган модда жиноят кодексида бор, шу билан қамалиб кетишини кўз олдига келтирди. Миқ этмади. Лекин, болали аёлни меҳмонхонага кузатаётиб, автобусда, ёнида ўтирган Маҳбубахон, Нигора, операциядан чиққан аёлга юрагидаги ҳамма гапни дарғазаб айтди.

Мухбир унча узоқ бўлмаган меҳмонхонадан тезда қайтиб келиб, аэропорт залидаги бир ўриндиқдан жой топиб, мизғиди.

Самолёт олти соат учмайди, деб қайта хабар қилишди. Одамлар зерикиб кетди. Яна тўрт соат учмайди, деб эълон қилди. Диққатбозлик.. Ниҳоят эртасига наҳорда учди... Мухбирнинг билишича, ўша депутат зиёфатдан сўнг тундаёқ бошқа самолёт билан Тошкентга учиб кетган экан. Ё тавба! У ёқда минбарда гап бошқача-ю, бу ёқда иш бошқача! Уч юз одам бу қабиҳликни кўрди. Наҳотки, бу қабиҳлик шундай қолиб кетаверса?

— Қўлингиздан ҳеч иш келмайди, ўғлим! Унга худо кўрсатсин! Уч юздан ортиқ одамнинг биронтасининг ҳоли-аҳволини сўрамаган одамда имон бўладими.

— Мен уни танийман, — деди мухбир йигит, — бизлар кўпларини танийміз, бу ҳақиқатан ҳам худбин одам экан. У билан курашиш қийин, мансабдорлардан ошналари кўп, лекин барибир курашаман! Мен, мангустаман, опажон, мангустани биласизми?

Маҳбубахон илжайди.

Мухбирнинг жасоратини кўриб, уни кузатиб турган Нигорага ҳам жон кирди; ҳаётда мана шундай инсофли одамлар ҳам кўплигини дилидан ўтказди.

Нигора ўша «депутат»га мурожаат этиб, отаси ишига ёрдам беришини илтимос қилмоқчи эди, Нукус шаҳрига қўниш воқеасидан кейин бу фикрдан батомам қайтди.

Ҳа, кемага тушганнинг жони бир. Аммо жони бошқалар ҳам бор дунёда. Улар сенинг билан бирга ғарқ бўлишни истамайди, эй халқ. Улар сенинг каби «тупроқдан яралган» эмас, уларнинг қони бошқача, аммо улар сенинг номингдан иш кўриб, обрў оладилар, уларга фақат сенинг номинг керак.

5 Май — Матбуот куни

ДЕМОКРАТИЯЛАШ, ОШКОРАЛИКНИ ҚАРОР ТОПТИРИШНИНГ ЎТКИР ҚУРОЛИ

ҚАЛАМ МЕНИНГ КЕТМОНИМ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Ўша пайтларда одамлардан таъна эшитардик: сизлар шунча бузуқликларни, ғирромликларни кўриб туриб ҳам дадил ёзмайсизлар, қонунбузарларга, ҳаромхўрларга қарши дангал курашмайсизлар. Бундан, рост гап, мулзам бўлганмиз.

Лекин адолатсизлик, сохтагарликларга қарши ўт очган дамларимиз ҳам бўлган. Масалан, Андижон вилоятида маккажўхоридан бир юз эллик центнердан дон ҳосили олишга «эришган» ва бунинг учун ҳар гектар ерга уч тоннадан азот ўғити солган «ташаббускор» бригадирнинг тупроқ таркибини бузиб, унумдор ерларни ҳароб қилаётганини фош этган мақоламиз «Совет Ўзбекистони» саҳифасида босилиб чиққанидан сал вақт ўтмай, вилоят раҳбарлари ҳузурига сўроққа чақирилдик, вилоят партия қўмитаси ташаббусини «бўғиш»да айбландик.

Барча эркинликлар мавжуд бўлган ҳозирги шароитда баъзан қалам яна ожизлик қилаётгани ачинарлидир. Қалам, албатта, ожиз эмас. Камчиликларни, жиноятларни аёвсиз фош этмоқда. Аммо фош этилган жиноятлар аксарият ҳолларда чорасиз қолдирилмоқда. Чора кўришга даъват этилган идораларнинг раҳбарлари ўзларини матбуот чиқишини кўрмаганликка ё эшитмаганликка оладилар. Улар ушбу алғов-далғов маҳалда фақат ўз мансаб курсиларини сақлаш билангина оворадайлар. Чайқовчилар, савдодаги олғирлар гўё милиция ва тергов органлари билан махфий битим тузиб олгандай. Агар шундай бўлмаганида порахўрлик, чайқовчилик учрамасмиди, қонунлар бузилмасмиди?!.

Кейинги пайтларда жиноятчиликка қарши курашга жиддий аҳамият берилаётгани, маъмурий идораларга кўплаб ҳалол, фидойи ёшларнинг келаётгани умид уйғотади. Бироқ барибир бу соҳанинг ҳали анчагина муаммолари бор. Биргина мисол. Ҳукумат уларга жиноятчини тутгани учун эмас, кийган формаси, унвонига қараб ҳақ тўлайди. Агар деҳқон ундиргани учун, қалам аҳли ёзгани учун ҳақ олгани каби тергов органлари ходимлари ҳам ишининг натижасига қараб ҳақ оладиган бўлганларида жиноятчиликни фош этиш бирмунча самаралироқ бўлармиди.

Шуларни ёзяпману хавотирдаман. «Бу гапларинг, асоссиз, бўйнимга қўйиб берасан», деб оёқ тираб турибсанми, яна қалам гуноҳкор бўлиб қолаверади. У ҳолда қаламни оқлаш учун яна идорама-идора сўроқ бериб юришга тўғри келса ажаб эмас.

Бироқ охир оқибат барибир ростгўй қалам ҳақ бўлиб чиқиши аниқ. Чунки, қалам ҳамиша адолат тарафида. Адолат эса халқнинг эзгу истагидир.

Рустам РАҲМОНОВ,
Андижон.

РАҲМАТ, ЮНУСАЛИ АКА!

Маълумингизким, ўтган йили турли сабабларга кўра барча газета ва журналларга обуна қилиш жараёни анча мураккаб кечди. Шундай маҳалда «Совет Ўзбекистони»нинг ҳақиқий мухлислари ўзларини кўрсатишди. Олтиариқлик кекса ўқитувчи Юнусали Эминов — рўзноманинг кўп йиллик қадрдони. У эллик йилдан буён «Совет Ўзбекистони»га обуна бўлиб келади. Ўтган йили Юнусали ака хайрли ишга қўл урди. Ўз ташаббуси билан «Совет Ўзбекистони» рўзномасига жамоатчилик асосида обуна ташкил этишга киришди.

Юнусали Эминов рўзноманинг кўп йиллик жамоатчи мухбири ҳисобланади. Яқинда у тўртта катта папкани бизга кўрсатиб, қирқ йиллик мухбирлигим маҳсули мана шулар деди. Папкаларда унинг бутун ижодий фаолияти давомида ёзган барча мақолалари сақлаб қўйилганди.

Мухбир — заҳматли меҳнат соҳиби. Жамоатчи мухбирлик ҳам фақат фидойиларни севади. Юнусали Эминов узоқ йиллар мактаб директори бўлиб ишлаган, Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси. Юнусали ака санъаткор ҳам. Ёшлигиданоқ доира усулларини пухта эгаллади. Жумҳуриятга машҳур жуда кўплаб қўшиқчи ва раққосалар етказиб берган Олтиариқ район кашшофлар уйи қошидаги «Дебоча» ашула ва рақс дастасига кўп йиллар раҳбарлик қилди. Ҳозирда қўшиқ мухлисларининг севимли хонандалари Қ. Юсупов, Т. Маматов, О. Мадалиев, М. Иброҳимовалар илк бор Юнусали ака қўлида таълим олганлар. Унинг оиласини эса ҳавас билан «санъаткорлар оиласи», дейишади. Етти нафар фарзандининг ҳаммаси мусиқа бўйича мутахассис бўлиб етишди.

Ҳа, Юнусали ака ана шундай фазилатларга эга. У ўзини рўзноманинг ҳақиқий жонкуяри, деб ҳисоблайди.

А. КАРИМОВ,
жамоатчи мухбир, СССР Журналистлар уюшмаси аъзоси.

Суратда: Тошкент тўқимачилик комбинатида чиқадиган кўп нусхали «Тўқимачилар овози» — «Голос текстильщика» рўзномаси ходимларидан бир гуруҳи. Чапдан — мухбир А. Гехтляр, корхона партия комитети котиби У. Султонова, масъул котиб Д. Эргашев ва мухбир Н. Абдуллабекова.

М. НАЗАРОВ олган сурат.

• ДАВР, ТАҚДИР, МУАММО

ҲАҚИҚАТНИ АЙТАЙЛИК

● Ҳозир ўтган йиллардагига нисбатан газетхонларнинг газетага бўлган қизиқиши ниҳоятда ортди. Ҳар бир газетхон бирор бир рўзноманинг янги сонини эртароқ олиб ўқишга шошилади.

Бизнинг жамоамиз, шахсан ўзим ҳам «Совет Қорақалпоғистони», «Совет Ўзбекистони», «Правда», «Известия», «Сельская жизнь», «Қишлоқ ҳақиқати» каби газеталарни қизиқиб ўқиймиз. Ҳаёт кўзгуси бўлган рўзнома саҳифаларида партия, совет, касаба уюшмаси, комсомол, жамоат ташкилотларининг ҳаёти чуқур таҳлил қилиб, ёритилиши коммунистлар, комсомоллар, барча партиясизлар фаоллигини, ташаббускорлигини оширишда катта роль ўйнайди.

Табиийки, матбуот саҳифаларидаги мақолаларда шу кунги энг муҳим воқеалар қисқа, мазмунли, ўқишли, газетхонлар ишонадиган қилиб берилиши лозим. Назаримда аччиқ бўлсада турмуш ҳақидаги ҳақиқатни халққа очиқ-ойдин айтиш матбуотнинг энг муҳим вазифаларидан бўлиб қолаверади. Зеро, мен газетанинг куч-қудратига, таъсири катталигига кўп бор амин бўлганман. Мисол учун, биргина Орол муаммосини олайлик. Бутун жамоатчиликнинг эътиборини Орол ҳалокатига жалб этган, бу муаммони биринчи бўлиб кўтарган ҳам журналистлардир. Айнан улар Орол денгизи ва Оролбўйини қутқариб қолиш лозимлиги ҳақида бонг урдилар. Ҳозирги кунда ҳам бу ҳаётий муҳим муаммо рўзнома ва жаридалари саҳифаларидан тушгани йўқ. Журналистлар энди Оролбўйи минтақасидаги аҳолининг соғлиғи, бу ердаги соғлиқни сақлаш хизматлари ишини тубдан яхшилаш, шунингдек аҳолини чучук сув билан таъминлаш масалалари ҳақида қайғуриб, куюнчаклик билан ёзмоқдалар.

Жумҳурият матбуот ходимларини қутлуғ байрамлари билан муборакбод этар эканман, шу ўринда бир фикрни ўртага ташламоқчи эдим. Ишлаб чиқариш масалаларини мунтазам ёритиб бориш ўз йўлига. Аммо менимча, минтақамиздаги Орол денгизи муаммоси каби энг йирик масалаларни чуқур ва атрофлича ёритишда биргина Қорақалпоғистон ёки Ўзбекистон эмас, балки бутун Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон журналистларининг куч-ғайратларини бирлаштириш, биргаликда энг оғриқли масалаларга жаҳон жамоатчилигининг эътиборини қаратиш ва масала ҳал бўлгунга қадар матбуот қаттиқ кураш олиб бориши керак, деб ўйлайман. Эҳтимол, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ва жумҳурият Оролни сақлаб қолиш комитети шу масала билан аниқ шуғулланадиган ва манфаатдор республикалар ўртасида ахборотлар айирбошлайдиган марказ тузар.

У. ҚАЛХОНОВ,
Хўжайли районидаги «Тошкент» давлат хўжалиги партия комитети котиби.

ЯШИРИНГАН ДАРДЛАР

● Матбуот битиклари бугунги кун тарихигина эмас, балки эртанги кунинг руҳидан дарак берувчи ҳамдир. Шундай экан, унинг қизиқарлилиги, таъсирчанлиги рўзнома муҳарририга боғлиқми ё шу жамоа ижодкорларигами?

Матбуот иши оғир, залворли иш. Уни бир киши эплай олмайди. Ижодкорлар ҳамкорлик қилсагина, халқнинг, партиянинг, даврнинг мақсадини англасагина кўзланган маррага эришади. Акс ҳолда рўзнома зерикарли бўлиб қолаверади. Шундай йиллар бўлган эди. Хўжаликларга, ташкилот ёки муассасаларга, ҳатто мактаб ўқувчиларига обуна бўлиш учун режалар берилларди. Обуна бўлмаганларни бюро мажлисларида муҳокама қилиб, ишдан ҳам олишарди. Эндиликда-чи! Танқислик ҳукм сураётган даврда ижодкорларнинг ҳам ташвиш ва юмушлари ортди. Энг аввало, рўзнома нарх-наволарининг ошиб кетиши туфайли муштарийлар анча чўчиб қолишди. Айниқса, йил якунида бунинг самараси билинди.

Таҳрир ҳайъати рўзномани қандай қилиб қизиқарли, ўқишли қилсак бўлади, деган бош масалани ўз олдига қўйди. Айниқса, шанба сонларининг сермазмун, қизиқарли чиқиши учун курашмоқда. Ижодкорлар гуруҳларга бўлиниб мусобақа асосида ишлашяпти. Меҳнат ҳар ойда якунланиб бориляпти. Бунда Маҳмуджон Абдулфаизов, Муҳаммаджон Азимов, Каромат Бегашева, Алимардон Бўроное, Холмамат Маматқулов ва бошқа ижодкорларимизнинг мақолалари, публицистик чиқишлари кўпчиликка манзур бўлмоқда.

Ҳозирги шароитда яшаш қийин. Лекин яшаш учун курашиш лозим. Олдинлари сарф-харажатлар учун юқоридан маблағ ажратиларди. Рўзнома муҳаррирлари, журналистларни бу нарса ташвишга солмасди. Эндиликда эса ҳар ким ўз ўчоғига ўт тортадиган вақт келди. Демак, ҳар бир сўм ҳисобда. Биз ҳам шуни ҳисобга олиб рўзномамизнинг иловаларини ташкил этдик. Бу иловалар шартнома асосида чоп этилмоқда. «Деҳқон ҳаёти», «Халқ минбари», «Сурхон шифокори» каби иловалар муштарийларнинг ҳурматини қозонди.

Хуллас, рўзномамизнинг таъсирчанлиги халқимизнинг дардини, дилидагисини саҳифаларда ёритиб келаётганимиз туфайлидир. Журналистларимиз ана шу дардларни қалб кўри, сермеҳнат ижодлари билан ёритишмоқда.

Г. САИДМАЛИКОВ,
«Ленин байроғи» рўзномаси муҳаррирининг ўринбосари, Сурхондарё.

«САМАРҚАНД»НИНГ ИККИНЧИ УМРИ

Самарқанд матбуоти ўзининг аср бошидаги фаолиятиданоқ жамиятдаги инқилобий ўзгаришлар жарчисига айланди. Оташин большевик Морозов 1904 йилда шаҳар вақтли матбуот нашри — «Самарқанд» рўзномасига асос солди. Бироқ, рўзномани уч йил ўтгач, аниқроғи 648-сонидан ёпиб қўйишди. Кейинчалик у бошқа номда чиқди.

Ва ниҳоят, яқинда «Самарқанд» ўзининг иккинчи «умри»ни бошлади. Шаҳар партия комитети ва халқ депутатлари шаҳар Кенгаши инқилоб жарчиси ҳисобланган рўзномани 648-сонидан яна давом эттиришни лозим топди. Бу фикр аввало меҳнаткашларнинг маънавий ва ижтимоий эҳтиёжларидан келиб чиқди. Негаки, бугунги кунда Самарқандда 50 дан зиёд саноат корхоналари, 27 та олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, тиббий муассасалар, илмий тадқиқот илмгоҳлари, тўртта миллий-маданий марказ фаолият кўрсатмоқда. Шаҳарда 400 мингга яқин аҳоли яшайди. Улар юзга яқин миллат ва элатларнинг вакилларидир.

Матбуот куни арафасида «Самарқанд»нинг биринчи (эскичасига 649-) сони муштарийлар қўлига тегди. Шаҳар партия комитети ва халқ депутатлари шаҳар Кенгаши рўзномасининг обуначилари сони ҳозирча 5 мингдан ортиқроқ, холос. Рўзнома ҳар ҳафта жума куни саккиз саҳифа ҳажмида чиқяпти.

Рўзнома ўзбек, рус ва тожик тилларида чоп этилади. Уйлайманки, у миллатлараро дўстлик ришталарини боғловчи ишончли восита бўлиб хизмат қилади.

Н. САЙФУДДИНОВ,
рўзнома муҳаррири.

● Қўлимда йиллар ўтиши билан сарғайиб кетган суратлар. Уларни муҳарририятимизга кекса журналист, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими, ҳозирда шахсий нафақахўр Е. П. Торопчин лутфан тақдим этди. Суратларга боқар эканман, мени титроқ ва ҳаяжон чулғаб олганди. Чунки, булар — ўзбек совет матбуоти тарихининг бир бўлаги, ўша суронли жангу жадал йилларининг унсиз шоҳиди!

— Вақтнинг оқар сув эканлигини қаранг, — дейди Ефим Павлович. — Ярим аср бўляпти, ўтмиш ва кечмиш воқеалар хотирада гоҳ у қирраси, гоҳ бу қирраси билан давр пардаси ортидан лип-лип ўтиб қолади. Лекин қизиғи шундаки, энг биринчилари нима учундир муҳрланиб қолгандай. Эҳтимол, дастлабки таассуротлар бўлгани учунмикин?!

Очиғи, кексалик Ефим Павловичга ярашиб тушган. Ним табассум аралаш боқишларида, нуронийлик балқиб турган юз-кўзларида, оҳиста, эшитилар-эшитилмас сўзлашида сеҳрловчи меҳр бор. Эллик йил олдинчи? Ўт эди, олов эди.

У армиядаги хизматни Чирчиқ яқинида бошлади. Мерганликни, окоп қазишни, жанговар ҳаракатларни, хулласи, оддий аскарга нима зарур бўлса, ҳаммасини ўрганди. Ўрта Осиё темир йўллининг рўзномаси муҳаррири вазифасини бажарган эмасми, ротадаги деворий газетани чиқаришни унга топширишди. Кейин эса Каттақўрғонга, янги тузилаётган 213-ўқчи дивизиясига юборишди. Тақдир бу ерда уни яна журналистлар билан учраштирди. Сув қўмбори тўғони ёнида ҳали қурилиб битмаган бир қаватли уйлар бор эди. Шулардан бирини журналистларга ажратишди. П. Г. Устюгов муҳаррирликка, И. Веленский редакция котиблигига, Е. П. Торопчин эса инструкторликка тайинланди.

Уч киши бўлиб рўзноманинг номи қандай бўлиши кераклигини муҳокама қилишди. Бир неча хилини танлаб олишди. Улардан бири «Вперёд, на врага!» («Душманга қарши олға!») деб аталарди. Аммо биз эмас, балки фашистлар олға ҳаракат қилишар, йўлларида дуч келган нарсани пайхон этиб келишарди. Иккинчиси эса «Во славу Родини» («Она Ватан шон-шарафи йўлида») эди. Бу тўғри фикр эди. Аммо ўзида аниқ-равшан маънони англатмасди. Е. Торопчиннинг дивизия рўзномасини «За победу» («Ғалаба учун») деб аташ ҳақидаги таклифини қабул қилишди. Сиёсий бўлимдан оқ фотиҳа олинди.

Орадан кўп ўтмай Тошкентдан сайёр босмахона асбоб-ускуналари ортилган юк машинаси етиб келди. Матбаачилар ҳам топилди. Энг асосий масала — рўзнома чиқаришга киришиш қолган эди.

Ҳаммасини бир бошдан бошлашга тўғри келди. Нима ҳақда ёзиш, қайси жанрдан фойдаланиш, муаллифлар сифатида кимларни жалб этиш масалаларини ҳал этиш керак эди. Ва ниҳоят, тайёр «маҳсулот»ни бўлинмаларга кимлар етказиб беришини аниқлаб олиш, отишмалар ва бомбардимонлар пайтида қандай ҳаракат қилиш кераклигини белгилаб олиш ҳам зарур эди.

Муҳарририят ходимлари бўлинмалар, взводлар, ротолар, батареялар, дивизиялар шаклланаётган пайтда командирлар ва сиёсий ходимлар билан, қизил аскарлар билан танишиб бордилар. Уларни ҳамкорлик қилишга даъват этдилар. Жангчилар билан ўрнатилган алоқалар изсиз қолмади. Ҳарбий мухбирлар активи вужудга келди. Натижада 1941 йил 25 октябрдаёқ дивизия рўзномасининг биринчи сони юз кўрди. Ўша давр ҳарбий шароитақозоси билан у 101-сон сифатида ўқувчилар қўлига тегди. Ундаги мақолаларнинг аксариятини жамоатчи муаллифлар тайёрлашган эди. Қисмларда ҳарбий қасамёдни қабул қилишга тайёргарлик, интизомга қатъий риоя этиш, ҳарбий сирни сақлаш мавзуси устивор эди. Биринчи сондаги барча мақолаларнинг муаллифлари онақондириш масаласи кунданкунга кўндаланг бўлиб борарди. 1943 йил бошларида 213-ўқчи, дивизиясида 2 минг нафардан зиёд ўзбеклар, 750 нафардан кўпроқ туркманлар, тожиклар, қозоқлар, қирғизлар, қариб 700 нафар татар жангчилари хизмат қиларди. Уларнинг кўпи рус тилида яхши сўзлашолмас ёки умуман рус тилини билмас эди. Шу боис муҳарририят туркий тилларда сўзлашувчи аскарларни фаол солдат ҳаётига жалб этишга ҳаракат қиларди. Рўзномада ўзбек тилига ағдарилган кўпгина мақолалар, подборкалар пайдо бўла бошлади. Бутун бошли саҳифалар ажратилди. Дивизияга чақирилганлар орасида журналистлар, шоирлар, маданиятнинг турли соҳалари намояндалари бўлганидан таржимон масаласида унчалик қийинчилик туғилмади. Жумҳурият «Қизил Ўзбекистон» рўзномасининг собиқ муҳаррири Рустам Абдураҳмонов билан «Ёш ленинчи» рўзномасининг собиқ муҳаррири Тўлаганнинг Ватанимиз эса битта: Карпатдан Фарғонагача. Ў бизга ўгай она эмас, у бизнинг онамиз. Ёш йигит Қурбон Ҳожимуродов урушга кетаётганда онаси унга «Мард бўл, Қурбон, бизни шарманда қилма», деган эди. Бу сўзни қария ўзбек кампири айтган эди. Жонажон онамиз, Россия ҳам шундай дейди».

Машҳур, ҳассос публицист бундан 49 йил муқаддам ўзбек жангчиларининг мардлигига шу тариқа холисона баҳо берган эди. Ундаги ҳар бир сўзни, биз тилга олган рўзномадаги мақолаларнинг ҳар бир мисрасини жангга кирган, душманга қақшатқич зарба берган сатрлар дегим келади.

Юқорида битта ҳарбий рўзноманинг айрим саҳифалари тўғрисида, унга доялик қилиб бешикка белаган хокисор бир неча журналист ҳақида озгина фикр юрита олдик, холос. Адолат ҳаққи-ҳурмати, бундай фидоий ижодкорлар минглаб, ўн минглаб эди. Улар Ватан тақдири қил устида турганда ҳам қурол, ҳам қалам билан жанг қилдилар. Даъваткор, илҳомбахш сўзлари билан бошқаларни ғалабага сафарбар этишни ўзларининг муқаддас бурчлари, деб билишди. Шуларни ўйлар эканман, ҳозирги қийин, мураккаб даврга назар ташлайман. Ҳа, ярим аср аввалгидек бугун Ватан ва жамият тақдири ҳал этилмоқда. Ҳозир бизга ҳар қачонгидан кўра бирлик, жипслик ва миллий тотувлик зарур.

Яна бир мулоҳаза. Улуғ Ватан уруши йилларида жумҳуриятимиз худудида «За победу»дан ташқари яна бир нечта ҳарбий рўзнома ташкил этилган бўлиши мумкин. Уларни чуқур ўрганиш, ташкилотчилари ва муаллифларини аниқлаш, ижод мазмунини ўқувчиларга етказиш айни муддао бўлур эди.

Эркин ҲУЖАЕВ.

ЖАНГГА КИРГАН САТРЛАР

Е. П. Торопчин 1942 йил.

Т. Соатов 1945 йил.

За победу

УЗБЕКЛАР

«За победу»нинг «Ўзбеклар» мақоласи босилган сони.

• Журналистикамиз тарихига ёзилган номлар

ФИДОЙИЛИК

Қаламкашлар уни севиб ва ҳурмат билан оддийгина қилиб Холбек ака деб айтишарди. Холбек аканинг номини бутун республикага танитган ва маълум-машҳур қилган унинг ғоят меҳнатсеварлиги, ҳамкасбларига меҳрибонлиги, муҳими, қаламининг ўткирлиги бўлди. Узоқ йиллар давомида юзлаб очеркслар, публицистик мақолалар ёзди. Холбек ака шунингдек матбуот заҳматкашлари ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳикоя қилувчи «Нурли йўл» ва «Ҳаёт тўлқинлари» китобларининг муаллифи ҳам бўлди. Эндиликда бу асарлар ўзбек совет матбуоти тарихига оид муҳим ўқув қўлланмасига айланган.

Холбек Ёдгоров ўзининг ижодий фаолиятини «Марғилон ҳақиқати» рўзномасида бошлаган эди. Иқтидорли қаламкаш сифатида танилгач, «Ёш ленинчи» рўзномасига ишга таклиф этилди. Сўнг республика «Партия турмуши» ойномасида муҳаррир, «Совет Ўзбекистони» рўзномасида муҳаррир ўринбосари бўлиб ишлади.

Яқинда Марғилон шаҳар Кенгаши журналистлар уюшмаси ҳудудий ташкилоти ва шаҳар фахрийлар кенгаши таклифини қўллаб-қувватлаб, Холбек Ёдгоров номини абадийлаштириш мақсадида у туғилиб ўсган кўчани Холбек Ёдгоров номи билан аташ тўғрисида қарор қабул қилди.

А. ШУКУРОВ,
«Марғилон ҳақиқати» рўзномаси муҳаррири.

ҚАЛБИМИЗДАСИЗ, ҚАДРДОНЛАР

— Қувадан бўлсангиз, Маъруф Назаровни билсангиз керак?

— Билганда қандоқ, худди шу кишининг номига қўйилган кўчада турамиз. Журналистмисиз, редакцияда ишлайсизми?

— Ҳа, Маъруф ака кўп йиллар рўзномамизда етакчи бўлимни бошқарган, устозимиз бўлади.

—Мен у кишини кўрмаганман, лекин акамдан эшитганман. Районимизга, хўжалигимизга ёрдами теккан ажойиб инсон, атоқли журналист деб гапирадилар. Акамда у кишининг китоблари ҳам бор. Назаров асосан Тошкентда яшаган экан, бу ерда ҳам номларида кўча борми?

— Бор.

— Кечирасиз, яна бир нарса сўрасам... Марҳум ёзувчи ва олимларнинг бюстларини кўп кўрганмиз. Лекин журналистларникини... Ё мен адашяпманми?

Мени худди «жавоб беришда қийналганини кўрмасин» дегандай театр залида бирдан чироқ ўчиб, спектакль бошланиб кетди...

Қувалик дўстим, аввало ниятингиз учун қуллуқ. Ўша куни спектаклга «бериб кетиб» кейинги саволингизга жавоб беролмадим. Илойим сиздай эзгу ниятли одамлардан кам қилмасин. Замон тинч турса, одамларимиз бир амаллаб кун кечириш ҳаёли билан эмас, янада яхшироқ яшаш ҳаёли билан банд бўлсалар, сиз истаган, орзулаган ишлар ҳам албатта амалга ошажак. Тошкентда жумҳурият матбуот музейини ташкил қилиш мумкин. Унинг залларига сизнинг юртдошингиз, бизнинг устозимиз, публицист ва қўшиқчи шоир Маъруф Назаровнинг ўзига хос жасоратнома бўлган очерклар тўпламлари, эл тили ва дилига тушган қўшиқлари жамланган китоблари файз киритиб туришига ишонамиз. Шундай унутилмас сиймолар — рўзномачи ва ойномачилар номида Журналистлар уюшмасида мукофот, дорилфунунларда стипендия ташкил қилиш мумкин.

Мана, сизга мисол. (Танишган кунимиз бу ҳақда айтиб улгуролмадим). Биргина ўтган йилнинг ўзида «Совет Ўзбекистони» рўзномасида узоқ йиллар ишлаган марҳум ижодкорлардан тўрт кишининг — Маъруф Назаров, Саъдулла Кароматов, Ўктам Усмонов, Абдукарим Набихўжаевларнинг номи абадийлаштирилди.

Саъдулла Кароматов ҳалиҳануз бетакрор ташкилотчи публицист сифатида эсланади. Халқимиз унинг қисса ва романларини ҳам ўқиган. Эндиликда журналист ёзувчининг номида Бухоро шаҳар кутубхонаси ишлаб турибди. Бўстонлиқдаги Байтқўрғон қишлоғи аҳли журналистикадан ўсиб чиқиб, миллий адабиётимизга «Гирдоб»дай машҳур романни туҳфа этган «Ўктам Усмонов номли кўчада яшаймиз» деганида беихтиёр фахрланиб кетасан-у, унинг қирчиллама ёшида оламдан кўз юмганини эслаб армон қиласан.

Жумҳуриятимиз пойтахтидаги обод кўчалардан бирига муҳарририятда кўплаб ёшларга устозлик қилган, дорилфунунда талабаларга журналистика сирларини ўргатган, рўзномачилик иши ва техникасини пухта билган очеркнавис Абдукарим Набихўжаев номи берилди.

Куни кеча эса Тошкент туманидан хушхабар олдик. «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» жамоа хўжалигидаги Сергели маҳалла қўмитаси «Совет Ўзбекистони» рўзномасида узоқ йиллар етакчи бўлимни бошқарган публицист ва очеркнавис Ўткир Абдуазимов хотирасини абадийлаштиришга қарор қилган эди. Гулистон қишлоқ Шўроси ижроия қўмитаси бу таклифни кўриб чиқиб, маҳалладаги Комсомол кўчаси номини ўзгартиришга, унга Ўткир Абдуазимов номини беришга қарор қилди.

Таклиф «Совет Ўзбекистони»дан чиққан бўлса-да, бу хайрли ишларни амалга оширишда яхши одамлар — вилоят, шаҳар, туман ва қишлоқ Шўролари раҳбарлари яқиндан ёрдам бердилар.

Байрамимиз кунида рўзномамизда фаол, самарали ишлаб, ҳаётдан эрта кўз юмиб кетган Аҳмад Шорахмедов, Самад Қодиров, Восе Маҳкамов, Собир Жўраев ва бошқа журналист ижодкорларни эслаймиз. Ҳозир уларнинг хотирасини ҳам абадийлаштириш устида иш олиб бориляпти. Яхши инсон, элга маънавий рағбат улашган ижодкорни, қалин дўстни унутиб бўладими, биродар. Улар бизнинг қалбимиздa.

Юсуф БЕРДИЕВ.

5 МАЙ—МАТБУОТ КУНИ

МУКОФОТЛАР МУБОРАК!

ТАРИХ ЗАРВАРАҒИДАН ЛАВҲАЛАР

«Мозийга қайтиб иш кўриш ҳайрли, дейишади»

(Абдулла Қодирий «Ўтган кунлар»).

БУГУНГИ кунда «Совет Ўзбекистони» номи билан муштарийлар қўлига тегаётган рўзнома дастлаб «Иштирокиюн» (Коммунист) деб аталган. Унинг илк сони 1918 йилнинг 21 июнида чоп этилганди. Бу йил июнь ойида биринчи сони чиққанига 73 йил тўлади.

Рўзнома ана шу йиллар мобайнида жумҳуриятимиз билан елкама-елка қадам ташлади. У Ўзбекистон матбуотининг яловбардори бўлиб қолди. 1920 йилда рўзномага «Қизил байроқ», кейинчалик «Туркистон», 1924 йилда «Қизил Ўзбекистон» номи берилди. Рўзномамиз 40 йил мобайнида шу ном билан чиқди. 1964 йилнинг 5 июлидан эътиборан «Совет Ўзбекистони» номи билан чиқяпти.

Коллективимиз рўзномамизга атоқли партия ва давлат арболари Акмал Икромов, Шараф Рашидов, Ҳожиакбар Ғуломов, фан ва маданият намоёндалари Сиддиқ Ражабов, Сулаймон Азимов муҳаррирлик қилганликлари билан фахрланишади. Рўзномамизда зарбдор журналист, ёзувчи ва публицистлардан Иброҳим Раҳимов, Зиёд Есенбоев, Мақсуд Қориев, Ҳабиб Нўъмон, Аҳмад Шорахмедов ва бошқалар ҳам ижод қилишган.

Рўзнома билан боғлиқ тарихий даврни ўзида акс эттирадиган музей ташкил этишга қарор қилинди. Мақсадимиз рўзномамизнинг шонли йўлини кўрсатишдир. Унда журналист қаламкашлар ҳаёти ва ижодини акс эттирувчи талайгина экспонатлар, сурат ва лавҳалар жой олди. Ўйлаймизки, келажакда музейимиз ҳам рўзномамиз сингари журналистиканинг ўзига хос маскани бўлиб қолади.

Юнус ЗИЁДОВ.

● **ТАҲРИРИЯТДАН: «Совет Ўзбекистони» музейини бойитишда ижодкорлар қатори муштарийларимиз ҳам ўз ҳиссаларини қўшадилар деган умиддамиз. Шу боисдан рўзнома ва унинг ижодкорлари ҳаётига оид ҳужжатлар, сурат ва лавҳалар бўлса бизга жўнатишингизни сўраймиз.**

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси бошқарувининг котибияти 1990 йил жумҳурият ижодий танловларининг якунини чиқарди.

Қуйидаги ўртоқлар **йилнинг энг яхши журналистик асарлари** учун танловда Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси мукофотининг совриндорлари бўлдилар:

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» рўзномасининг бош муҳаррири — «Очиқ эшиклар даври», «Маслаҳатингиз зарур, Владимир Ильич», «Халқ ишончи», «Наманган сабоқлари» мақолалари ва бошқа публицистик асарлари учун;

Матлуба ШОАЛИЕВА, «Ҳақиқати Ўзбекистон» рўзномасининг катта мухбири — «Ислом бугунги кунда», «Она: уй бекаси ва меҳнаткаш» очерклар туркуми ва бошқа асарлари учун;

Эсон ҚОСИМОВ, «Тошкент ҳақиқати» рўзномасининг бўлим мудири — «Тақдир зарбаси», «Дилдора фожиаси», «Сен бахтлисан, Рауф» публицистик мақолалари ва туркум очерклари учун;

Дилбар БЕКЖОНОВА, «Хоразм ҳақиқати» рўзномасининг мухбири — «Магазин очилса», «Бу йўлдан қайтинг», «Не учун кўзларда ёш» публицистик мақолалари учун;

Бекмирза МАҲМУДОВ, «Муштум» ойномасининг бўлим муҳаррири — «Олтин юлдузлар», «Тақдир қўшиқлари», «Канал ва одамлар» туркумидаги очерклари ва мақолалари, бошқа публицистик асарлари учун ҳамда **Мурод КАЛОНХОНОВ**, «Муштум» ойномасининг бўлим мудири — «Дайдилар», «Ишсизлик миллат танламайди» ва бошқа публицистик мақолалар туркуми учун;

Ҳафиза ҲАЙИТМЕТОВА, Ўзбекистон радиосининг бўлим мудири, **Насиба ЗИЁВУДДИНОВА**, катта муҳаррири — «Бола кўнгли — онада», «Она тилим омон бўл» эшиттиришлар туркуми учун.

Қуйидаги ўртоқлар Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг фахрий дипломлари билан мукофотландилар:

Жамила АРСЛОНОВА, «Ленинчи» ноҳия рўзномасининг (Тошкент вилояти) бўлим мудири; **Виктор ЛУКОВ**, «Крилья Узбекистана» кўп тиражли рўзнома муҳаррири; **Маъфура МУҲАМЕДОВА**, Ўзбекистон радиосининг бўлим мудири; **Геннадий НЕКЛЕССА**, «Народное слово» рўзномасининг бўлим мудири; **Урол УТАЕВ**, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси фахрий дипломи билан мукофотланди.

«Иқтисодий ислоҳотга — матбуот эътибори» шиори остида ўтказилган танловда иқтисодиёт масалаларини жуда яхши ёритганлик учун «Ҳаёт ва иқтисод» ойномаси, «Ёш ленинчи» жумҳурият рўзномаси, Ўзбекистон телевидениеси, Ўзбекистон радиоси, «Наманган ҳақиқати», «Коммуна» (Фарғона вилояти) ва «Ленинское знамя» (Сурхондарё вилояти) вилоят рўзномалари, Боғот район «Ленин йўли» (Хоразм вилояти) рўзномаси ва Ёзёвон район «Марказий Фарғона» рўзномаси таҳририятлари жамоаларига мукофотлар берилди.

Иқтисодиёт масалаларини фаол ёритганлик учун «Сельское хозяйство Узбекистана»— «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» ойномаси, ЎзТАГ, Андижон вилоят «Коммунист» ва «Ферганская правда» рўзномалари, Андижон вилоят «Бўз ҳақиқати» район рўзномаси ва Фарғона вилоятининг Олтиариқ район «Давр овози» рўзномаси таҳририятларининг жамоалари фахрий дипломлар билан мукофотландилар.

Ҳарбий-ватанпарварлик мавзусини энг яхши ёритганлик учун танловида «Тошкент ҳақиқати» ва Фарғонанинг «Коммуна» вилоят рўзномалари таҳририятларининг жамоаларига биринчи мукофот берилди; жумҳурият «Ленин байроғи» рўзномаси, «Ташкентская правда» вилоят рўзномаси, Олтиариқ район «Давр овози» рўзномаси таҳририятлари жамоалари иккинчи мукофотга, Янгиқўрғон район «Меҳнат байроғи» (Наманган вилояти), Ангор район «Илғор» (Сурхондарё вилояти) ва Зомин район «Шарқ тонги» (Жиззах вилояти) рўзномалари таҳририятлари жамоалари учинчи мукофотга сазовор бўлдилар.

Фарғона вилоятининг «Тошлоқ тонги» ва Бағдод районидаги «Авангард», Учқўрғон районидаги «Жанговар меҳнат» (Наманган вилояти) район рўзномалари таҳририятлари жамоаларига ҳарбий-ватанпарварлик мавзусини фаол ёритганлик учун Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг фахрий дипломлари берилди.

«Самарали меҳнат ва соғлом турмуш учун!» Бутуниттифоқ рейдини яхши ёритганлик учун ўтказилган танлов бўйича мукофот Ўзбекистон телевидениеси, ЎзТАГ ва Бағдод район «Авангард» рўзномаси жамоаларига берилди. Шу шиор остида ўтказилган Бутуниттифоқ рейдининг боришини ёритишда фаол қатнашганлиги учун ЎзТАГ мухбирлари Н. Полянская билан Л. Струнникова Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг фахрий дипломлари билан тақдирландилар.

КАСБИМИЗ МАСЪУЛИЯТИ

Биз, журналистларнинг ҳаётимиз ва фаолиятимиз жуда мураккаб. Бировни мақташга, бировни танқид қилишга тўғри келади, ҳақиқатни ойдинлаштиришга интиламиз. Лекин кези келганда таъна-дашномлар ҳам эштамиз. Шу жиҳатдан айрим пайтлар ўзимиз бир оғиз ширин сўзга муҳтож бўлиб қоламиз. Касб туфайли ҳатто қувғинга ҳам учраганмиз.

Чиндан ҳам касбимиз ниҳоятда мураккаб. Мана шу сатрларни битаётган пайтимда касбдошларимдан бири қўнғироқ қилиб дардлашди. Вилоят рўзномасида бировнинг номига жиддийроқ гап айтиб балога қолибди. Нима ҳам дердик. Ҳақ гап ҳақлигача қолади. Бугунги журналистнинг масъулияти нақадар оғир. Ҳар бир сўзни билиб айтмоғи керак. Агар хатога йўл қўйса уни на рўзнома, на муштарий кечиради. Бўлар-бўлмас нарсани матбуотга олиб чиқиш, бетга чопарлик қилиш касбимизга ёт. Ғаразгўйлик ярашмайди. Мен февраль ойи бошида СССР Журналистлар уюшмасининг еттинчи қурултойида қатнашганимда ҳам бу тўғрида кўпроқ ўйлаганман. Айрим ҳамкасбларим билан суҳбатлашдим, баҳслашдим.

Тўғри, журналист кенг маънода халқ манфаатининг ҳимоячиси, сиёсий курашчан инсон. Аммо ўткир, дадил сўзларимизни кўролмайдиган, оқилона гапларимиздан ноўрин маъно излайдиганлар ҳам учраб туради. Еттинчи қурултойда қатнашган кўпгина журналистлар ана шу ҳақда минбарлардан туриб гапирганда тақдир бизни шу касбга раво кўрганлигидан баъзан ачиндим, баъзан фахрландим.

Ҳар қанча бўлса ҳам одиллик тарафдоримиз. Адолатпарварлик принципини қўлдан бермаслигимиз керак. Бироқ, ғирром, қаламини шахсий тиғга айлантирган кишилар ҳам бор экан. Ўша қурултой залидаги бир воқеа ҳамон кўз олдимдан нари кетмайди. Кейинги пайтда мамлакатнинг айрим худудларида ошкораликка тўсиқ қўйилаётганлиги, матбуот эркинлиги хавф остида қолаётганлиги ҳақида делегатлар қуйиниб гапирдилар. Айниқса марказий ойнаи жаҳон томошабинлари севиб қолган «Нигоҳ» тўхтаб қолганлигига норозилик билдирилди. Бунинг учун Россия, Украинанинг айрим делегатлари СССР Телевидение ва радио эшиттириш давлат комитетининг раиси Л. Кравченконн айбдор қилиб кўрсатдилар. Бу аслини олганда ҳақиқатга унчалик яқин эмас эди. Чунки делегатлар ижодий ташкилот иши бир ёқда қолиб, кўпроқ майда-чуйда масалаларга ўралашиб қолдилар. Л. Кравченко шаънига ноўрин эътирозлар билдирилди. Лекин қўйилган айблар ноўрин эканлиги анжуман поёнида исботланди. У ҳақда ҳар хил рўзномалар 370 марта ёзишибди. Қанийди, бу холисона бўлса. Бу билан нима демоқчиман. Касбдошларимиз орасида ўз бурчи ва масъулиятини нотўғри англайдиганлар фақат марказда эмас, катта-кичик жамоаларда ҳам учрайди. Очиғи, чорак асрлик иш фаолиятим даврида илк бор мамлакат миқёсидаги бу қурултойда иштирок этиб, баъзи касбдошларимнинг масъулиятсизлигини кўриб ёқа ушладим.

Бизнинг касбда ташкилотчилик масъулияти ҳам бор. Бундан ўн уч йил бурун мени Қашқадарё вилояти бўйича мухбирликка ишга қабул қилган рўзномамиз раҳбарларидан бири муштарийлар сафини кенгайтириш биринчи галдаги вазифангиз деганди. Буни доимо ҳис этиб тураман.

Журналист жамият тараққиётида ҳам фахрли, кундалик ҳаётда ҳам масъулиятли касб эгаси. Бу ҳақда анжуманда қатнашган СССР Олий Кенгашининг Раиси А. И. Лукьянов ҳам алоҳида таъкидлади. Ўз навбатида биз ҳамиша ана шу фахрли номга содиқ қолмоғимиз зарур.

Мусо КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири, СССР Журналистлар уюшмаси еттинчи съезди делегати.

Қарши.

• «Фотоконкурс—91»



Дорбозлар.



В. ДУБРОВСКИЙ ва Ф. ҚУРБОНБОЕВ (ЎзТАГ) олган суратлар.

СПОРТ

ХОККЕЙ:

СЎНГГИ УЧРАШУВЛАР

● МАЪЛУМКИ, совет хоккейчилари Финляндияда давом этаётган Европа ва жаҳон чемпионатида қитъа ғолиблигини қўлга киритиб, астойдил курашни давом эттираётган эдилар. Лекин, жаҳон чемпиони бўлиш осонмаслиги кўриниб қолди. Хоккейчиларимиз ҳозирча биронта ҳам очкога эга бўлмаган АҚШ жамоасини 6:4 ҳисобида ютишди. Аммо, Канада хоккейчилари билан учрашув қийин кечди. Ҳисобни 3:3 қилиб, очколарни бўлашиб олишга тўғри келди. Швеция хоккейчилари ҳам совринли ўринларга даъвогар эканликларини кўрсатишмоқда. Улар биринчи учрашувни Канада жамоаси (3:3) билан ўтказиб, АҚШ хоккейчиларини 8:4 ҳисобида ютишди. Шундай қилиб, СССР ва Швеция жамоалари бугун бўладиган охирги ўйин олдидан учтадан очкога эга бўлиб туришибди.

СПОРТЛОТО

● **17-ТИРАЖ якунлари чиқарилди. «45 дан 6» лотереяси бўйича «Ўзбекистон» жумҳурият корхонасига 86704 та вариант тушди. 6 та ютуқли рақамни топганлар бўлмади. 5 рақам бўйича 1 киши 3540 сўм оладиган бўлди. 4 рақамни 77 киши топиб, 136 сўмдан олади. «36 дан 5» лотереяси бўйича 1148308 та вариант тушди. 5 рақам бўйича 3 киши 12641 сўм, 4 рақам бўйича 477 киши 122 сўм, учта рақам бўйича 17490 киши 5 сўмдан олади.**

СПОРТПРОГНОЗ

● **17-ТИРАЖ бўйича 118747 та вариант тушди. 13 ва 12 та натижани топганлар бўлмади. 11 натижа бўйича 9 киши 1003 сўмдан олади.**

Ютуқларни 18 майдан 18 июнгача олиш мумкин.

• Диққат: янгилик

МАКТАБДА ШИРКАТ

Тошкентдаги Обид Содиқов номли 249-мактабда ўқувчиларнинг фанларни тўлиқ ўзлаштиришларига эътибор кучайтирилган.

— Биз болаларни ўзлаштириш қобилиятига қараб синфларга ажратганмиз, — дейди мактаб директори Аҳмаджон Азимов. — Фанларни аъло баҳоларга ва ўрта баҳоларга ўзлаштирувчиларни алоҳида синфларга бўлиб ўқитамиз. Бунда албатта, аъло баҳоларга ўқийдиган ўқувчилар дарсликлардан ташқари қўшимча адабиётлар билан ҳам билимларини кенгайтирадилар. Шунингдек мактабимизда Ўзбекистон тарихи, дин тарихи, ҳадис илми кабилардан факультатив дарс соатлари жорий қилганмиз. Болаларнинг зеҳнларига, қобилиятларига қараб химия, биология ва математика — физика бўйича махсус синфларни очганмиз. Бу синфларда ўқийдиган ўқувчиларга юқоридаги фанлардан чуқур билим берилади. Мактабимизда ота-оналар соати, тарбия соати, одобнома дарсига ҳам эътиборни кучайтирямиз.

Мактаб ўзининг мўъжазгина ишлаб чиқариш ширкатига эга. Бу ерда юқори синф ўқувчилари дарсдан ташқари вақтларида спорт кийим-кечаклари ишлаб чиқаришда қатнашадилар. Ширкат ўзининг даромадидан ҳар ойда 4 минг сўм ҳажмда мактаб жамғармасига ўтказади. Ишлаб топилган маблағнинг тақсимоти билан ўқувчилар ва ўқитувчилардан иборат гуруҳ шуғулланади. Фарзандлари бизнинг мактабимизда ўқийдиган кам даромадли 38 оилага ҳар ойда 50 сўм миқдорида ёрдам пули ажратамиз. Ишлаб топилган маблағ ҳисобидан жамоат ишларида актив қатнашувчи аълочи ўқувчиларни, билим беришда бошқа ўқитувчиларга ўрнак бўлаётган муаллимларимизни рағбатлантириб борамиз. Шу даромаддан мактаб ремонтига ҳам ҳар йили маблағ ажратилади. Лекин, ҳамма ишлар кўнгилдагидек экан, деган ҳаёлга бормаслик керак. Ширкатга хом-ашё етишмаслиги асосий муаммоларимиздан бири. Баҳоли қудрат ана шу муаммоимизни ҳал қилишда ёрдам кўрсата оладиган ташкилот ёки корхона топилса ҳамкорлик қилишга тайёрмиз.

Мактабларда ашула ва меҳнат дарсларига иккинчи даражали фан сифатида қаралиши сир эмас. Бу фанга эътиборни кучайтиришни, энг аввало, унга оид дарсликларни қайта тузишдан бошлаш керак. Дарсларни миллийлаштириш керак. Ашула дарсларида ўзбек халқ қўшиқлари, миллий қўшиқлар, алёру лапарлар ўргатилса, фойдадан холи бўлмас эди. Фарзандларимиз эртанги кунда худди ота-боболаримиз сингари қўли гул уста бўлиб етишишларини ният қилиб бугунги кунда меҳнат дарсларида уларга ганчкорлик, ўймакорлик, дурадгорлик, қурувчилик каби ҳунарларни ўргатишни йўлга қўйсак мақсадга мувофиқ бўларди.

Аҳмаджон ака ҳақ сўзни айтди. Биз ҳам бу ниятлари тезроқ амалга оширишга тилакдошмиз.

М. ТОШМУҲАМЕДОВА.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

ТОШКЕНТ МАШИНАСОЗЛИК ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ

кафедралар бўйича

ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАР ТАРКИБИДАГИ ЛАВОЗИМЛАРГА

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

мудирлар: машинасозлик технологияси, қуюв ишлаб чиқариши машиналари ва технологияси, металлар технологияси;

профессор: металлар технологияси:

доцентлар: 2-олий математика, техникавий кибернетика, умумий ва физикавий кимё (2), машинасозлик технологияси (3), металл қирқувчи дастгоҳлар ва асбоблар, пайвандлаш ишлаб чиқариши ускуналари ва технологияси, механизмлар ва машиналар назарияси, совутиш ва компрессор машиналари ва қурилмалари, қишлоқ хўжалиги машиналари, самолётларни конструкциялаш ва лойиҳалаш, меҳнат ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш, электрон ҳисоблаш воситаларини конструкциялаш ва уларнинг технологияси;

катта ўқитувчилар: 1-олий математика (2), рус тили, металл қирқувчи дастгоҳлар ва асбоблар (0,5), механизмлар ва машиналар назарияси, машинасозликда иқтисод ва уни ташкил қилиш, умумий электр техникаси ва электроника, робот-техника системалари ва комплекслари, электрон ҳисоблаш воситаларини конструкциялаш ва уларнинг технологияси (3), тажрибавий физика, чизма геометрия ва машина графикаси, фалсафа (2), чет тиллари;

ассистентлар: сиёсий иқтисод (2), жаҳон ва ватанимиз маданияти тарихи, физика (3), 1-олий математика, 2-олий математика (4), назарий механика, машинасозлик технологияси (3), совутиш ва компрессор машиналари ва қурилмалари, самолётларни конструкциялаш ва лойиҳалаш, металларга босим остида ишлов бериш, пайвандлаш ишлаб чиқариши ускуналари ва технологияси, чизма геометрия ва машина графикаси, техникавий кибернетика (2);

ўқитувчилар: чет тиллари (3), рус тили (2), жисмоний тарбия ва спорт.

ЧЕТ ЭЛЛИК ФУҚАРОЛАР УЧУН ТАЙЁРЛОВ ФАКУЛЬТЕТИ

катта ўқитувчи: рус тили;

ассистентлар: умумтаълим фанлари;

ўқитувчилар: рус тили (2).

ЧИРЧИҚ ШАҲРИДА

доцент: кимё ишлаб чиқариши машиналари ва аппаратлари;

катта ўқитувчилар: кимё ишлаб чиқариши машиналари ва аппаратлари; умуммуҳандислик фанлари (2), физика ва олий математика (2);

ассистент: кимёвий ишлаб чиқаришларни автоматлаштириш курси бўйича.

НАМАНГАН ШАҲРИДА

мудир: умумий физика;

доцентлар: олий математика, умумий кимё, умумий физика;

катта ўқитувчилар: умумий физика, олий математика, физиология, психология ва педагогика;

ассистентлар: сиёсий иқтисод, чизма геометрия ва муҳандислик графикаси (2), ишлаб чиқаришда иқтисод ва уни ташкил қилиш, физиология, психология ва педагогика, машинасозлик технологияси (2), қишлоқ хўжалиги қурилиши;

ўқитувчи: тиллар.

ТАНЛОВ МУДДАТИ — 23 МАЙГАЧА.

Ҳужжатлар қуйидаги манзилга юборилсин: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 13-уй, 49-хона.

«ГРАНИТ» ЎРТА ОСИЕ МОНТАЖ-ТЕХНОЛОГИЯ БОШҚАРМАСИНИНГ КОНСТРУКТОРЛИК БЮРОСИ

хусусий ЭҲМ — лойиҳачининг автоматлаштирилган ишчи ўрни (АРМ сметчика) да лойиҳаларни ҳисоблашга оид дастурлар тўпламини жорий этишни

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Лойиҳачининг автоматлаштирилган ишчи ўрни янги нарх-наволар индексини назарда тутган ҳолда барча турдаги қурилиш-монтаж ва таъмирлаш ишлари учун лойиҳа ҳужжатларини тузиш, чиқариш ва қайта ҳисоблашни автоматлаштириш имконини беради.

Лойиҳачининг автоматлаштирилган ишчи ўрни тегишли мезоний-маълумот ахборотларини ўз ичига олган маълумотлар базаси билан бирга етказиб берилади.

Зарур ҳолларда лойиҳалар архиви ЕС ёки СМ ЭҲМга ўтказилади.

Телефонлар: 77-72-52, 77-35-80.

«Агропромремонт» Республика илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг ДАЛВАРЗИН ТАЪМИРЛАШ ЗАВОДИ ЭО-2621 экскаваторларини чекланмаган миқдорда тубдан таъмирлаш учун

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Манзилимиз: 702936, Тошкент вилояти, Бекобод райони, Далварзин қишлоғи.

●

БУЮРТМАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

Олмалиқдаги 4-автомобиль таъмирлаш заводи

1991 йилнинг 1 январидаги ҳолатга кўра двигателлар ва агрегатлар қолдиқларини солиштириб чиқади

Мижозлар солиштириб кўриш учун келмаган тақдирда топшириллган двигателлар ва агрегатлар ҳисобдан чиқариб ташланади.

Солиштириш муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Манзилимиз: 702400, Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, Октябрь майдони, 22-уй.

«Ўзгипроместпром» Ўзбекистон давлат лойиҳалаш илмгоҳининг касаба уюшмаси ташкилоти, партия комитети ва жамоаси илмгоҳ директори А. А. Умаровга онаси

Ҳожияхон УМАРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон радиоси жамоаси Ишлар учун эшиттиришлар бош муҳарририятининг Бош муҳаррир ўринбосари А. Зокировга ўғли

Алишер ЗОКИРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон ССР Телекўрсатуллар ва радиоэшиттиришлар давлат қўмитаси Бадиий жамоалари ҳамда Юнус Ражабий номли «Мақом» ансамбли Ўзбекистон халқ ҳофизи Ҳасан Ражабовга ва Дони Зокиров номли ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестри созандаси, республикада хизмат кўрсатган артист Тоҳир Ражабовга акаси

Юсуп Юнусович РАЖАБОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Шарқшунослик илмгоҳи жамоаси илмгоҳ ходими У. Мирисмоиловга онаси

Нуринисо ТОШМУҲАМЕДОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Молия вазирлигининг давлат бюджетини жамлаш бўлими жамоаси маҳаллий бюджет кичик бўлими бошлиғининг муовини Қ. Собировга онаси

Ҳидоят СОБИРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар Давлат қўмитасининг «АХБОРОТ» ижодий бирлашмаси жамоаси бирлашма режиссёри С. Султоновга акаси

Саъпон Абдулҳақович СУЛТОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, А. С. УСМОНОВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, партия турмуши — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; совет қурилиши — 33-15-29, 32-57-20, 32-54-18; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.
ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-09.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана

Нашр кўрсаткичи 64583.
Буюртма № 5381.

№ 85. ● Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000 Тошкент ГСП. Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматда босилади. ● 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12